БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 105 (1367)
30 МАЙ ШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 тийин

ВЛКСМ Марказий Комитетида автоматизация ва механизация масалаларига бағишланган кенгаш

28 майда ВЛКСМ Марказий Комитетида саноат, транспорт ва қурилиш корхоналари раҳбарларининг ишлаб чиқариш процессларини автоматизациялаш ва механизациялаш учун курашда комсомолнинг иштирокига бағишланган кенгаши бўлди.

Кенгашда 1-«Мосстрой» трестининг бош инженери Н. П. Егоров, Тула халқ хўжалиги кенгашига қарашли «Калинин уголь» трестининг бош инженери Л. С. Таранух, ГПЗ-1 ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш лабораториясининг бошлиғи И. А. Саускан, «Станколит» заводининг цех бошлиғи В. И. Ширяев ва бошқалар сўзга чиқиб, конкрет таклифлар киритдилар.

Кенгаш ишида ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари А. Х. Везиров қатнашди.

Партия ўқувини муваффақиятли якунлайлик

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини якунлашга саноқли кунлар қолди. Шу муносабат билан жойларда якунловчи машғулотларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

КПСС XXI съезди идеология ишларига, кадрларимизни ғоявий чиниқтириш, меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Чунки съезд таъкидлаб ўтганидек, коммунизмга ўтмоқ учун унинг моддий-техника базасини ривожлантирибгина қолмай, балки жамиятдаги барча гражданларнинг онглилиги юксак даражада бўлиши ҳам зарур. Шу сабабли съезд қарорлари ва материалларини чуқур ўрганиш ҳамда пропаганда қилиш ҳозирги шароитда идеология ишларининг асосий мундарижаси, партия ташкилотларининг энг актуал вазифаси бўлиб қолди.

Шу ўқув йилида областимиздаги партия ташкилотлари сиёсий маорифни уюштиришда жуда катта тажриба тўпладилар. КПСС XXI съезди материалларини ўрганишни ташкил этиш соҳасида талайгина ишлар қилдилар. Шуни ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, бутун партия маорифи системасида сиёсий ва иқтисодий мактабларда, тўгараклар ҳамда назарий семинарларда ўқув йилининг иккинчи ярми съезд ҳужжатларини ўрганишга бағишланди. Бу, сиёсий ўқишнинг мундарижасини янада бойитди ва унинг ғоявий савиясини оширди, коммунистлар ва партиясиз активларнинг съезд белгилаб берган вазифаларни ўрганишга қизиқишларини кучайтирди.

Кўпгина партия ташкилотлари ва пропагандистларимиз партия, комсомол маорифи шохобчаларида съезд олдинга сурган энг муҳим амалий ва назарий масалалар юзасидан машғулотлар ўтказишни намунали ташкил этиб, яхши натижаларга эришдилар ва шу кунларда якунловчи машғулотларга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Оққўрғон районида ташкил этилган кўпгина тўгараклар ва семинарларда XXI съезд материаллари ва қарорларини ўрганиш кенг авж олдириб юборилди. Машғулотларни турмуш билан яқинлаштириш, унинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида аҳамият берилди, циклли лекциялар уюштирилди, назарий конференциялар ўтказилди. Партия-совет активлари ва зиёлилар съезд материалларини дастлаб мустақил ўқиш, кейинчалик эса назарий суҳбатлар ва конференциялар ўтказиш йўли билан ўргандилар. Райондаги Куйбишев номли ва «Ленинобод» колхозларида ташкил этилган тўгаракларда машғулотлар айниқса мазмунли ўтди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Лекин айрим партия ташкилотларининг тўгараклар, сиёсий мактаблар ва семинарларда съезд материалларини ўрганишга жиддий эътибор бермаганликларини алоҳида айтиб ўтиш керак. Пискент районидаги Энгельс номли, Калинин номли, Шверник номли, Сталин номли колхозларнинг ва «Пискент» совхозининг партия ташкилотлари сиёсий маорифни ташкил этишда расмиятчиликка йўл қўймоқдалар. Бундай муносабат пропагандининг ғоявий-назарий савиясини пасайтиришга олиб келди, машғулотларнинг турмушдан ажралган ҳолда юзаки ўтишига олиб келди. Натижада тингловчилар машғулотларга тўла-тўкис қатнашмадилар.

Тошкентдаги газоаппарат заводи партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Хачатурян) ҳам сиёсий ўқишни ташкил этиш, унинг ғоявий савиясини ошириш масаласи билан етарли даражада шуғулланмай қўйди. Айниқса Спирин ва Юркевич ўртоқлар пропагандистлик қилаётган тўгаракларда давомат сust, машғулотлар паст савияда зерикарли ўтмоқда, якунловчи машғулотларга эса пухта тайёргарлик кўрилмаётир. Бундай фактларни нормал бир ҳол деб бўлмайди, албатта.

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йили тугалланаётган экан, партия ташкилотларининг бу соҳада бутун йил бўйи олиб борган ишларига якун ясайдиган пайт келди. Шунинг учун ҳам якунловчи машғулотларга пухта тайёргарлик кўриш ва уни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш ҳар бир партия ташкилоти ҳамда пропагандистнинг муҳим вазифасидир.

Якунловчи машғулотларни ўтказишда шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, тўгаракларнинг тингловчилари ўрганилган материални чуқурроқ эсда сақлаб қолсин, марксча-ленинча таълимотни турмуш билан, коммунистик қурилишнинг съезд белгилаб берган улуғвор вазифалари билан чамбарчас боғлайолсин, токи, бу унинг съезд олдинга сурган муҳим масалаларни назарий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириб олишига имкон берсин. Шу туфайли сиёсий ва иқтисодий мактабларда ҳамда тўгаракларда иккита-учта, назарий семинарларда эса битта якунловчи машғулот ўтказиш керак.

Партия маорифи шохобчаларида съезд ҳужжатларини ўрганишга киришишдан олдин ўқув йилининг биринчи ярмида ўтилган материаллар юзасидан тўгаракларнинг тингловчилари билан суҳбатлар уюштирилди. Шуни назар-эътиборга олиб тўгарак ва семинарларда якунловчи машғулотларни асосан КПСС XXI съездининг материаллари юзасидан жонли муҳокама тарзида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Якунловчи машғулотларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда тингловчиларнинг қай даража ўзлаштирганликларини пухта аниқлаш ва уларнинг билимидаги заиф томонларни ҳисобга олиб, ўша масалаларга кўпроқ эътибор бериш кераклигини унутмаслик лозим.

Партия маорифи системасида якунловчи машғулотлар тамом бўлгандан кейин тингловчиларнинг ўқув йили тугашига бағишланган йиғилишларини ўтказиш, бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетлари бюроларининг мажлисларида бу масалани кенг муҳокама қилиш, унда асосий эътиборни сиёсий маорифни уюштиришда тўпланган ижобий тажрибаларни оммалаштириш ва бу соҳадаги камчиликларни очиб ташлашга каратиш муҳим аҳамиятга эга Келгуси ўқув йилига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган конкрет тадбирларни белгилаб олиш ҳам партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак.

Партия маорифи системасида ўқув йили тугалланаётган экан, бундан съезд материалларини меҳнаткашлар ўртасида пропаганда қилишни салгина бўлса ҳам бўшаштириб юбориш мумкин, деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча партия ташкилотларининг бундан кейинги асосий вазифаларидан бири — съезд материалларини кенг пропаганда қилишни кучайтиришдан, етти йилликнинг муваффақиятли бажарилиши совет халқига қандай нозу-неъматлар келтиришини, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун ҳар бир совет кишиси нималар қилиши кераклигини ишонарли қилиб тушунтириб беришдан иборат.

Якунловчи машғулотларни пухта тайёргарлик кўрган ҳолда уюшқоқлик билан ўтказайлик ва меҳнаткашлар ўртасида съезд материалларини чуқур пропаганда қилишни ҳамма воситалар билан кучайтирайлик!

Эҳтиёт тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Қорасув райони (район партия комитетининг секретари **Муҳамедов,** район ижроия комитетининг раиси **Убайдуллаева,** район комсомол комитетининг секретари **Муталов,** район ипакчилик бўлимининг мудири **Қамбарова** ўртоқлар). Бу район пилла топшириш планини 104,3 процент бажарди. Қўшимча равишда яна 6 минг килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Қуйи Чирчиқ райони (район партия комитетининг секретари **Сотиболдиев,** район ижроия комитетининг раиси **Мерганов,** район комсомол комитетининг секретари **Н. Николаенко,** район ипакчилик бўлимининг мудири **Р. Шокиров** ўртоқлар), бу район пилла топшириш планини 107,4 процент бажарди. Қўшимча равишда 5 минг килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Боёвут районидаги **Карл Маркс номли** колхоз (раиси **Хўжабеков,** партия ташкилотининг секретари **Усмонов** ўртоқлар), бу колхоз пилла топшириш планини 106,0 процент қилиб бажарди. Қўшимча равишда яна 300 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Дала ишларини сифатли ўтказиб, барча майдонлардаги ғўзаларни бир текис шоналатиб олайлик!

Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхознинг 17-бригадасида ғўзани культивация қилиш сифатли ўтказилмоқда. Бу ишда ёш механизатор Нуриддин Камолов ҳаммага ўрнак бўлмоқда. Суратда: механизатор Нуриддин Камолов.

М. Шевелев фотоси.

КЕТМОНГА ЎРИН ЙЎҚ

Янгийўл районидаги Сталин номли, «Коммунизм» колхози аъзолари анчагина майдонга квадрат-уллаб чигит экишди. Ҳозир улар ана шу майдонларда ҳосил бўлган серавж квадратларни меҳр билан парвариш қилишаяпти. Сталин номли колхознинг ўртоқ Мамажон Назаров бошлиқ трактор-далачилик бригадасида иш яхши ташкил этилган. Бригада аъзолари 190 гектар ердаги ғўзани кетмонсиз, механизация ёрдамида ўстиришаяпти. Улар биринчи парваришни тамомлаб, иккинчи парваришни бошладилар. Бу ишда Отажонов, М. Бўрибеков, М. Абдураҳмонов каби механизаторлар актив қатнашаётирлар.

Бригада аъзолари бу йил ҳар гектар ерда 35 центнердан «оқ олтин» етиштириб, республикамиз бўйича давлатга 3 миллион 50 минг тонна пахта топшириш муносиб ҳисса қўшиш учун курашмоқдалар.

«Коммунизм» колхозидаги ўртоқ Абдухалил Тўраев бошлиқ бригада аъзолари ҳам яшил квадратлар ҳосил қилишди. Улар 130 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммасига икки томонлама ишлов беришаяпти. Дала ишларининг ҳамма тури сифатли ўтказилаётир.

Ўтган йили бу бригада 90 гектар ерга чигит экиб, 33 центнердан пахта ҳосили олган эди. Бу йил эса ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш планлаштирилган. Бригада илғорлари колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан рағбатлантириб турилади. Яқинда уларнинг бир гуруҳига 1600 сўмлик чинни буюмлар ва духоба мукофот қилиб берилди. М. Ғиёсова, О. Маҳкамовалар кунига 2—3 нормадан иш бажараётирлар.

Р. ҒАФУРОВА,
А. МАДРАҲИМОВ,
Й. НИШОНОВ,
О. ҚОЗОҚБОЕВ.

АНДИЖОНДАН ХАТ

Тошкентлик ғанишерчиларга

Тошкентлик пахтакор дўстлар, ҳамкорлар, мусобақадошлар! Биз сизларга ўзимизнинг алангали ва самимий саломимизни йўллаймиз.

Биз, бу йил тошкентликлар ўзларининг илгариги шуҳратларини тиклаб олиш учун астойдил кураш бошлаганликларини эшитиб беҳад қувондик. Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов ташаббуси билан областда 50 центнерчилар ҳаракати бошланиб кетганлиги бизни хурсанд қилди. Кейинги икки йилдан бери пахта тайёрлаш плани бажарилмай келаётган, ҳосилдорлик анча камайиб кетган бир пайтда бу ҳаракат катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага аён.

50 центнерчилик ҳаракати жуда яхши ташаббус. Лекин бу ҳаракат оммавий тус олгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Шу ҳаракатнинг ташаббускори бўлган Ғанишер Юнусов ўтган йили ўз бригадасида планни бажарган. Аммо колхоздаги бошқа кўп бригадаларда, колхознинг ўзида, районда ва областда план бажарилмади. Нима учун? Чунки ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмайди деган гап бор. Ҳар бир бригадада план бажарилмаса, ҳосил оширилмаса, колхоз ҳам, район ҳам, область ҳам планни бажара олмайди. Демак, «якка дарахт боғ бўлмайди, якка гишт уй». Ҳосилнинг тақдири ҳар бир бригадада ҳал бўлади. Планнинг муваффақиятли бажарилиши энг олдин шуларга боғлиқ.

Биз ҳозир кўпгина бригада бошлиқлари 50 центнерчилар ҳаракатига қўшилганини эшитдик. Энди биз бундан кейин ҳам 50 центнерчилар ҳаракати кенгайиб, ривож топишини, областда планни бажара олмаган, ҳосилдорликни ошира олмаган бирорта ҳам бригада қолмаслигини чин кўнгилдан истаймиз. Ахир биз мусобақадошлармиз-ку. Мусобақадошлар эса фақат ўзлари ғолиб чиқиш билан фахрлана олмайдилар.

Мусобақадошларнинг асл мақсади — ҳар икки томоннинг баравар ғалаба қозонишига эришишдан, йиқилганни суяб, қаддини ростлаб олишда самимий ёрдам беришдан иборат.

Пахтачиликда эришилган юксак кўрсаткичлар учун областимиз Ленин ордени билан мукофотланди. Лекин мусобақадошимиз бўлган Тошкент областида сўнгги икки йил мобайнида лоақал план ҳам бажарилмай қолди. Бу фақат сизларнигина эмас, бизни ҳам жуда ташвишлантирмоқда. Шунинг учун ҳам биз бу йил Тошкент области ўзининг илгариги шуҳратини тиклаб олишини истаймиз.

Тошкентликлар ҳозир ўз областларининг шон-шуҳрати учун, унинг номига муносиб иш тутиш учун зўр ғайрат билан меҳнатга отландилар. Бу йил Тошкент области республикамизда биринчи бўлиб чигит экишни тамомлади. Механизациядан унумли фойдаланиш учун жуда кўп трактор-далачилик бригадалари тузилди, пахта майдонининг ярмисидан кўпрогига квадрат-уялаб чигит экилди.

Бироқ бу ишнинг бошланиши, холос. Андижонлик пахтакорларимизнинг бир группаси сизларнинг пахта далаларингизда бўлганларида айрим колхоз ва совхозларда ютуқлар олдида ҳалитдан эсанкираб қолинганлигини, ғўза парваришида қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлаптилар. Тўғрисини айтиш керак, биз бу кўнгилсиз гапларни эшитганимизда ранжидик. Наҳотки мусобақадошларимиз бу йил ҳам ўтган йилги камчиликларни такрорлашаётган бўлсалар, деб афсусландик. Деҳқонлар жўжани кузда санаш керак, дейдилар. Жўжани кузда санаш учун эса ишни бир нафас бўшаштириб бўлмайди. Биз бу гапларни таъна қилиш учун эмас, йўл қўйиб келинган, хатоларнинг яна такрорланмаслиги учун алоҳида қайд қилиб ўтмоқдамиз. Буни ўзларингиз ҳам яхши биласизлар.

Область пахтакорларининг май ойи бошларида бўлиб ўтган кенгаши энди мана шундай ярамас ваъдабозликни қаттиқ қоралабди. Унда «берган ваъдамизнинг устидан чиқаоламизми-йўқми, ёки илгаригидек ваъдабоз бўлиб қолаберамизми, ана шу масала худди шу кунларда ҳал қилинади» дейилибди. Бу жуда тўғри фикр. Унинг маъноси шуки, ваъда бердингми, устидан чиқ, эл олдида ёлғончи бўлиб қолма, ваъда билан қанорлар тўлмайди, ваъдаларни тарозида тортиб ҳам бўлмайди, деган сўз.

Тошкент пахтакорларининг ана шу мўътабар фикрлари, дангал гаплари бизга жуда ёқди. Етти йиллик планнинг биринчи йили вазифалари ҳал қилинаётган айни пайтда орамизда алдамчи ваъдабозлар қолмасин. Ҳамма ростгўй бўлсин.

Қадрли дўстлар! Тошкент областида бошланиб кетган 50 центнерчилар ҳаракати бизни ҳам қизиқтириб қўйди. Бу ҳаракат ҳамма область пахтакорлари учун ҳам зарур. Шунинг учун 50 центнерчи ғанишерчилар ҳаракатига биз ҳам қўшилишга қарор қилдик. Келинг, бу ҳаракат ҳар икки областдаги пахтакорларнинг умумхалқ ҳаракатига айланиб кетсин. Келинг, ҳар гектар ердан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун кураш ҳар бир бригада аъзоларининг жанговар шиори бўлиб қолсин. Келинг, бу ҳаракат кенгайсин, ривож топсин. Ахир, ҳар бир бригада шу ҳаракатга қўшилиб лоақал ҳосилдорликни 4-5 центнердан оширган тақдирда ҳам, тоғ-тоғ хирмонлар пайдо бўлади. Планларимиз тўлиб, юзимиз ёруғ бўлади.

Тошкентлик ғанишерчи ўртоқлар! Тошкент область пахтакорлари кенгашида қабул қилинган хатда «Андижонликлар ҳам сиз ва бизга ўхшаган кишилар-ку ахир, ёки уларнинг пахта етиштиришда биз билмаган бирор сирлари борми? Йўқ» дейилган. Бу, рост гап. Бизда сизлардан яширадиган ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма сир ҳалол, виждон билан ва астойдил, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилишда, холос.

Халқимизнинг ҳикматли сўзларини ҳамиша ёдимизда тутайлик. «Чиқоқда ёғ бўлмаса, қуруқ пилик ёнмайди». Бу, ишламасанг ҳеч нарса бўлмайди, ҳосил ҳам етишмайди дегани. Ҳар биримиз ўз участкамизда ишни пухта бажариш учун бошлаган яхши ташаббусимизни охиригача етказиш учун, пировардида ғалаба қозониш учун астойдил ҳаракат қилайлик, тер тўкайлик. Ахир, тер тўкканга ер тўкади-да!

Маннон ЖАЛОЛОВ — Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи, Исомиддин ЮНУСОВ — Жалақудуқ районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, Ҳожимурод ФАРМОНОВ — Олтинкўл районидаги Сталин номли колхознинг бригада бошлиғи, Абдижалил ОТАЛИҚОВ — Булоқбоши районидаги «Коммунизм» колхозининг бригада механиги ёрдамчиси, Баҳром ШОМИРЗАЕВ — Пахтаобод районидаги Ленин номли колхознинг механизатори, Раҳим АЗИМОВ — Сталин районидаги Ворошилов номли колхознинг бригада бошлиғи, Мамазулун ПЎЛАТОВ — Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозининг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи.

МАРДЛАР МАЙДОНИДА

«Октябрь» колхозининг зумрат хиёбонларидан, баҳор ҳидини анқитувчи чаман боғларидан ўтиб, ҳўв шинам безатилган дала шийпонига қараб йўл олдик. Қуёш тиккага қадар кўтариб, ҳаммаёқни беозор қиздираётган пайт. Яшил квадратлар гурқираб, кишининг баҳри-дилини очиб турган далаларда ҳали иш қизғин. Тонг саҳардан универсал рулига ўтирган механизатор ҳам, туни билан мижжа қоқмай, эгатларга сув таратган миришкор сувчи ҳам, меҳнат завқига чўмган йигит-қизлар ҳам нечундир ўзларини соя-салқинга тортгулари келмайди. Уларнинг ҳар бири ўз бошлаган ишларини қиёмига етказиш мақсадини дилларига жо қилиб олганлар.

— Сиз қизиққан Мамажон Султонов бошлиқ бригаданинг пахта далаларига етиб келдик,— раис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Брухтий ҳаёт қайнаётган, файзли мана шу далаларга боқар экан деди,— ҳафсалангиз келса картамакарта айланамиз. Сувга қонган ғўзаларни, культивациянинг сифатини бир кўринг.

Бизни бу ерга тортиб, етаклаб келган мақсаднинг ўзи ҳам айни мана шу эди. Раис билан бирга эгатлар оралаб кетдик. Кеча яқиндагина озиқлантирилиб, қондирилиб суғорилган ғўзалар қулф уриб ётибди. Бошқа бир картада эгатлар ораси роса тобига келганда культивация қилинган, қаторлар ораси сариғ ёғдай юмшатилган. Бу — миришкор сувчининг, азамат механизаторнинг: «ер ҳам ўзимизники, ҳосил ҳам ўзимизники, ундан келадиган даромад, маблағ ҳам ўзимизники», деб ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилаётганликларидан дарак бериб турибди.

Далани бир соатча айландик. Сувчи Маҳмуд Тошматов, ҳалиги механизатор йигит, бригадир Мамажон Султонов билан бу йилги ҳаракат, зиммага олинган мажбурият, бу мажбуриятнинг уддасидан чиқиш учун тобида бажарилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашдик.

Орадан кўп ўтмай, дала шийпонидан занг овози эшитилди. Овқат вақтида ҳаммамиз дала шийпонида гавжумлашдик. Раис бениҳоя хурсанд эди. У йиғилганлар билан аския айтишар, ишини дўндирган ўртоқларга ўзининг миннатдорчилигини билдирар, лекин унинг ҳар гапи мағзида бундан кейин ишни бўшаштирмаслик керак деган маъно ётарди.

— Кўз-қулоқ бўлиб турибсизларми,— деди раис гап орасида,— ғанишерлар бригадасида мақтовга лойиқ ишлар қилинаяпти. Андижонлик мусобақадошлар ҳам уларнинг ишига қойил қолиб, бошлаган ташаббусларини жуда маъқуллашган. Ғўзамизни эрта-индин бир текис шонага киритиб оламиз, дейишаётган эмиш улар.

Парирокда пиёладаги кўк чойни хўплаётган бригадир Мамажон ака раиснинг гапларини қунт билан тинглаб ўтирарди. 50 ёшдан ошган бу Мирзачўл пахтакорининг гавдасидан куч ёғилиб турибди. У нечундир бир нафас хаёлга чўмди. Бу ҳаёлнинг маъносини пайқаб олиш қийин эмасди. Ахир у, Ғанишер 50 центнерчилар ҳаракатини бошлаб, областнинг барча бригадаларига очиқ хат ёзганида биринчилар қаторида ана шу ташаббусни маъқуллаган, ўз бригада аъзолари билан бамаслаҳат: «Ғанишерлар бригадаси ҳар гектар ерда қанча ҳосил етиштирса, биз ҳам ана шунча ҳосил етиштирамиз», деб аҳд қилган эди. Шундан кейин 2—3 кун ўтмасданоқ мусобақа шартларини қоғозга битиб, ғанишерлар бригадаси аъзоларига юбортирган эди. Мана энди раис «Ғанишерлар бригадасида эрта-индин ғўза шонага кирармиш» деб айтаяпти. Тўғри, Мамажон акалар бригадасида ҳам мусобақа шартларини бажариш учун озмунча иш килингани йўқ. Барча пайкалларда 5—6 чин барг чиқарган ғўзалар яшнаб турибди. Буларнинг ҳаммаси чиндан ҳам ана шу ҳалол меҳнатнинг самараси. Лекин...

Эҳтимол, Мамажон ака мана шу «лекин» ҳақида хаёл сураётгандир. Наҳотки, ғанишерлар бригадасида ғўзалар шу қадар яхши — бизникидан ҳам соз ривожланаётган бўлса! Бўлиши мумкин. Ахир Ғанишер гапининг уддасидан чиқадиган, бир сўздик, ишқинг кўзини биладиган асл деҳқон, донгдор пахтакор.

— Раис,— биз ҳам бўш келмаймиз,— шу пайт Мамажон аканинг хаёлини бўлди бир овоз. Бу овоз миришкор сувчи Маҳмуд аканинг овози эди, — ғўзанинг иккинчи парваришини тамомлай деб турибмиз. Мана, ўзинглар айланиб кўриб чиқдингларми. Ғўзамиздан нолийдиган ери йўқ. Аммо ҳали ўзингиз айтгандай буёғини ҳам бўшаштирмаймиз. Биз ҳам ғанишерларни қувиб етамиз. Хотиржам бўлаверинг.

Миришкор сувчининг бу юрак сўзлари Мамажон акага далда берди, шекилли, у бўшалган пиёласини ёнидаги йигитга узатар экан:

— Албатта, шундай бўлади,— деди,— ҳамма гап ҳамжиҳатликда, ҳаммамиз бир ойланинг боласидай аҳилмиз. Кўпдан қўён қочиб қутилмайди, деганлар. Бир ёқадан бош чиқариб ишласак, сон кетидан қувмай, ишнинг мундоқ сифатли бўлишлигини кўзласак, мўлжалдаги ҳосилни ола берамиз, раис.

Шундан кейин Мамажон ака Ғанишер билан тузилган шартноманинг мазмуни билан бизни таништирди.

— Ғанишер 80 гектар ерда 50 центнердан ҳосил олмоқчи экан,— сўзида давом этди Мамажон ака,— бизнинг бригада эса бутун имкониятлардан фойдаланиб, 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун бел боғлади. Шу мақсад билан ҳамма еримизда ғўзани квадрат-уялаб парвариш қилаяпмиз. Ундан кейин, бу йил ўз олдимизга яна бир катта мақсадни қўйдик. Ўтган йили етиштирилган ҳосилнинг фақат 10 процентини машинада териб олган эдик. Бу йил 70 процент ҳосилимизни машинада териб олмоқчимиз. Бунинг учун машинамиз ҳам, ҳайдовчиларимиз ҳам етарли. Ана шундай қилсак, терим кечикмайди.

Мамажон ака бу йил ғўзани озиқлантиришга алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳақида ҳам бизга сўзлаб берди. Эрта озиқлантиришнинг фойдаси эндиликда ҳаммага аён бўлиб қолганлиги, буни кўп йиллик тажрибалар кўрсатиб турганлиги, шунинг учун ғўзани биринчи озиқлантириш бригадада эрта тамомланганлиги бизни хурсанд қилди.

Овқатдан сўнг роҳатланиб дам олган пахтакорлар яна майдонга — мўл ҳосил учун кураш майдонига отландилар. Бизни сувчи Маҳмуд аканинг гайрати, ҳикматли гаплари қизиқтириб қўйди. Шунинг учун ҳам оғир кетмонни елкасига ташлаган Маҳмуд ака билан ҳўв сув таралган картага томон йўл олдик. Бригадир билан раис бизга ҳамроҳ бўлди. Маҳмуд ака кам гап экан. Биз уни атай гапга солдик:

— Ишнинг оғир томони, тогдай вазифалар ҳали олдимизда турибди, — сўзлай бошлади у,— саратоннинг одовланган бағрида қуёш билан, сув билан олишиш кезлари энди келади. Ғўза ниҳолларининг томирига ўз вақтида қон, яъни, масалан, сув билан жон бағишласак, чаноқларнинг майин лаблари эрта хандон уриб очилади. Бунинг учун суғоришни нечоғлиқ эҳтиёткорлик билан ўтказиш керак.

Бригада аъзоларига турли топшириқларни берган бригада бошлиғи Мамажон ака Султонов янгидан ўзлаштирилиб, пахта етиштирилаётган карталарга томон бизни бошлади. Универсалнинг ҳайқирган овози далада ҳозиргина бошланган қайноқ ҳаётни яна тўлқинлантириб, жонлантириб юборди.

— Мана, кўрдингизми, бу ниҳоллар Ғанишер айтганидай бизнинг кенжа фарзандларимиз,— деди Мамажон ака,— бу фарзандлар кўп ўтмай, қўлтиғимизга киради-да, бизни тўйдиради ҳам, кийинтиради ҳам.

Бригадирнинг бу гаплари бизнинг қалбимизни ҳам тўлқинлантириб юборди. Чиндан ҳам бу ниҳол кўринишлари ҳар қандай нигоҳни ўзига тортар, киши бу бой манзарани асло ташлаб кетгуси келмас эди. Биз Мамажон ака билан айланар эканмиз, у 15 июлгача охирги озиқлантириш учун тайёрлаб қўйилган шарбат ўғитини кўрсатди.

— Буни биз қиш бўйи тайёрладик, яна тўплаяпмиз.

— Август ойидаги режангиз қандай,— сўраб қолди шунда ҳамроҳим. Бу саволга Мамажон ака енгилгина бир кулги билан жавоб берди:

— Ҳамма август ойини ҳал қилувчи ой дейди. Мен бунга унча ишонгим келмайди. Ҳақиқатда ҳам ҳал қилувчи ой — май ойи бўлиши керак. Биз квадрат-уялардаги ғўзаларнинг барвақт ривожланиши учун мана шу ойда ҳамма чораларни кўрдик.

Биз ҳал қилувчи ғанимат фурсат билан курашаётган, унинг қадрига етиб, астойдил меҳнат қилаётган Мамажон Султонов бригадаси аъзоларининг ғайратига қойил қолдик.

Кечқурун бригада бошлиғи бизни дала шийпонига таклиф этди. Мамажон ака ўзи мукофотга олган телевизорнинг кулогини буради. Ажойиб концерт бошланди.

— Йиғилганларнинг ҳаммаси, сизлардан бўлак,— деб қулиб қўйди бригадир. —Менинг оила аъзоларим ҳисобланади. Бугун шу ерда қолиб, азиз меҳмонимиз бўласизлар.

Иккиланиб турмадик. Биз ҳам баҳорнинг шу майин дилрабо оқшомини дала шийпонида қолиб, шу меҳнатсевар, мард кишилар билан бирга гурунглашиб ўтказишга қарор қилдик.

ҒАЙРАТИЙ.
Мирзачўл райони.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг Албанияда бўлиши

КОРЧА, 28 май (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари бугун «Маличи» давлат хўжалигини бориб кўрдилар. 5000 гектар ери бўлган ва асосан қанд лавлаги етиштириш билан шуғулланаётган бу давлат хўжалигининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Илло Прифти совет меҳмонларига хўжаликнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили тўғрисида ҳамда давлат хўжалигини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб берди.

Н. С. Хрушчев далага чиқди, хўжалик ишлари қандай олиб борилаётганлигига қизиқди, давлат хўжалиги ходимларига ўзининг бир қанча мулоҳазаларини айтди ва маслаҳатлар берди.

Сўнгра совет меҳмонлари Албанияда 1948 йилда тузилган биринчи кооперативларнинг бири бўлган «Булгарец» қишлоқ хўжалик кооперативига бордилар. Н. С. Хрушчев чорвачилик фермасида бўлди, емхашак базаси, чорва моллар қандай боқилаётганлиги ва сигирлар қанча сут бераётганлиги билан қизиқди.

Кооператив аъзолари билан бўлган дўстона самимий суҳбатда совет делегациясининг бошлиғи СССР даги колхоз қурилиши ҳақида, колхозларда меҳнатнинг ташкил қилиниши тўғрисида гапириб берди, ўзининг мулоҳазаларини айтди ва истаклар билдирди.

Хайрлашиш вақтида кооператив аъзолари бўлган қизлар кооператив боғида етиштирилган бир неча сават олмани Н. С. Хрушчевга тақдим қилдилар.

Албания Меҳнат партиясининг район комитети ва Корча шаҳар совети Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси шарафига зиёфат берди. Зиёфат гоят самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СССР партия-ҳукумат делегациясининг бошлиғи Н. С. Хрушчев ва делегация аъзолари кечқурун Тиранага қайтиб келдилар.

* * *

ТИРАНА, 28 май, (ТАСС). Н. С. Хрушчев ва Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари бугун самолётда Корча шаҳрига келдилар. Анвар Хўжа, Мехмет Шеху, Хусни Капо, Лири Белишова ва Албаниянинг бошқа раҳбарлари уларга ҳамроҳ бўлиб келдилар. Н. С. Хрушчевни ва Совет делегациясининг бошқа аъзоларини ўн минглаб киши қизғин табриклади.

Совет меҳмонларининг Корчага келиши муносабати билан шаҳарнинг асосий майдонларидан бирида кўп кишилик митинг бўлди. Митингда Хусни Капо ва Н. С. Хрушчев нутқ сўзладилар.

* * *

ТИРАНА, 28 май. (ТАСС). Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси аъзоларининг Н. А. Муҳитдинов бошчилигидаги бир группаси бугун мамлакатнинг нефть саноати марказларидан бири бўлган Сталин шаҳрида бўлди.

Албания Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Гого Нуши, Саноат ва конруда саноати министри Одил Чарчани ва бошқа расмий кишилар меҳмонларга ҳамроҳ бўлдилар.

Нефть саноати ишчилари совет меҳмонларини самимий кутиб олдилар. Нефть комбинатининг директори Рамиз Жабия совет меҳмонларининг визити муносабати билан албан нефтчиларининг зўр шодлигини изҳор қилди.

Совет делегацияси номидан Н. А. Муҳитдинов нефть саноати ишчиларини табриклади.

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишланган бирлашган илмий сессия тамом бўлди

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишлаб, СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳамда Туркманистон ССР Фанлар академиялари томонидан Тошкентда ўтказилган бирлашган илмий сессия тўрт кун давом этди.

29 май кечқурун сессиянинг охирги мажлиси бўлди. Аввалги кунлардагидек бу сафар ҳам республика Олий Советининг мажлислар зали одамлар билан лиқ тўла эди.

Мажлисда Арманистон олимлари делегациясининг раҳбари, Арманистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **Ц. П. Агаян**, Озарбайжон олимлари делегациясининг раҳбари, Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **А. С. Сумбатзода** сўзга чиқдилар. Улар ўз республикаларининг меҳнаткашлари номидан сессия қатнашчиларига қизғин салом топшириб, бу сессия Совет Иттифоқидаги барча миллий республикалар учун илмий ва сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир, бу сессия совет халқларининг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, дедилар.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **С. П. Толстов** ўз нутқида сессияда кўтарилган масалаларнинг муҳим эканлиги тўғрисида гапирди.

Шу билан докладларни муҳокама қилиш тамом бўлди. Докладчилардан бири — Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги **С. Ражабов** охирги сўзида музокараларда кўтарилган бир қанча масалаларга тўхталиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** нутқ сўзлади.

СССР Фанлар академияси тарих фанлари бўлимининг академик — секретари **Е. М. Жуков** ўз нутқида сессия ишларига якун ясади. «Ўрта Осиё халқларининг тарихидаги муҳим босқич — Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши билан боғлиқ бўлган проблемаларни муҳокама қилиш самарали ўтганлигини таъкидлади. Сессия социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги белгиси остида ўтди. СССР халқлари дўстлигининг қаётий кучини, ленинча миллий сиёсатнинг тантанасини ёрқин намойиш қилди.

Е. М. Жуков сессияда ўтказилган илмий дискуссияга тўхталиб айтдики, бу дискуссия совет тарих фанини бойитди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятини характерловчи асосий принципиал масалалар совет тарихчиларининг асарларида ўз ифодасини топди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши бу ўлкадаги халқларнинг тарихий тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди. Сессияда кенг миқёсда фикр олиштирганлиги Совет Шарқи халқлари тарихига доир муҳим масалаларни бундан бўён ҳам ҳар томонлама ишлаб чиқишга, шубҳасиз, ёрдам беради. Бу эса, илмий ва сиёсий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эгадир.

Е. М. Жуков ишонч билдириб айтдики, марксизм-ленинизм назарияси билан, КПСС XXI съездининг қарорлари билан қуролланган олимлар миллий республикаларнинг тарихини чуқур ўрганиш соҳасида ўз олдиларида турган вазифаларни муваффақиятли бажарадилар.

Е. М. Жуков сессияга гоят катта эътибор берганликлари, сессия ишларини яхши ташкил этганликлари учун сессиянинг ҳамма қатнашчилари номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика Фанлар академиясига самимий ташаккур изҳор қилди.

Сессия қатнашчилари бутун залдагиларнинг гулдурос қарсаклари остида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятига бағишлаб, Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган бирлашган илмий сессиянинг қатнашчилари 29 майда Тошкентдаги саноат корхоналари ва олий ўқув юртлари билан, Тошкент областидаги қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти билан танишиб чиқишни давом эттирдилар.

Москва, Украина, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Молдавия фан арбоблари Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи билан учрашдилар. Читга гул босма фабрикасидаги тайёр маҳсулот бўлимида ўтказилган митингда комбинат директори З. А. Абдуллаев, фабрика касаба союз комитетининг раиси А. Муҳаммаджонов, ишчилардан М. Исаева ва А. Калининалар меҳмонларни табриклаб нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. М. Мўминов, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Баҳовуддинов, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. К. Қориев, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти директори А. Н. Нусупбеков илмий сессиянинг ишлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг коллективи Москва, Ленинград, Олмаота, Фрунзе ва бошқа шаҳарлардан келган олимларнинг бир группасини қабул қилди. АКТ залида йиғилиш бўлди. Бу йиғилишда академик И. И. Минц нутқ сўзлади.

Қирғизистон давлат университетининг проректори М. Рисқулбеков бундай деди: Ўрта Осиё университети Ўрта Осиёда кўп вақтдан бўён миллий кадрлар тайёрлаб келаётган ўчоқдир. Қирғизистоннинг кўп олимлари ана шу ўқув юртини тамомлаб чиққан эдилар. Ўртоқ Рисқулбеков Ўрта Осиё олимлари билан Совет Иттифоқидаги бошқа республикаларнинг олимлари ўртасида мустаҳкам алоқа борлигини таъкидлади.

Сессия қатнашчиларининг «Ташсельмаш» заводи ишчилари билан учрашуви гоят самимий ўтди.

Қардош республикаларнинг олимлари Тошкентдаги Низомий номли Давлат педагогика институтининг профессор, ўқитувчилари ва студентлари билан ҳам учрашдилар.

Сессия қатнашчилари икки группага бўлиниб, тушдан кейин Тошкент областидаги колхозларга жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

П А Р Т И Я Т У Р М У Ш И

Юқори Чирчиқда партия пропагандаси яхши йўлга қўйилмаган

Областимиз партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини тобора кенг пропаганда қилмоқдалар. Айниқса мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программаси белгилаб берилган ана шу тарихий ҳужжатлар партия маорифи системасида чуқур ўрганилаётир.

Лекин партия пропагандасига раҳбарлик қилиш ҳамма жойда ҳам яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Масалан, Юқори Чирчиқ районини олайлик. Район партия комитети, айрим корхона, колхоз ва муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотлари сиёсий мактаб, тўгарак ҳамда уларга жалб этилган тингловчиларнинг сонига маҳлиё бўлиб, машғулотларнинг савиясига кам эътибор бераётирлар.

Натижада баъзи пропагандистлар КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилишга ижодий ёндошиш ўрнига, машғулотларни қуруқ ва қизиқарсиз ўтказмоқдалар. Тема материали район, корхона, колхоз олдида турган конкрет вазифалар билан боғлаб баён этилмаётир, тингловчилар ўртасида қизғин мунозара бўлмаётир.

Жумладан, Навоий номли, «Ленинизм», «Меҳнат бирлик», «III Интернационал» колхозлари, 7-мактаб, район матлубот жамияти ва бошқа колхоз ҳамда муассасаларнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар ана шу зайилда ўтказилаётир. Пропагандистлар газета материалини ўқиб бериш ёки маҳаллий ҳаётга боғламай қуруқ ҳикоя қилиб бериш билан чекланаётирлар.

«Политотдел» колхози бошланғич партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган тўгаракнинг пропагандисти ўртоқ Лягай бир соат давомида бир йўлакай халқаро аҳвол ҳақида, КПСС Марказий Комитетининг «Сталино области меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақида»ги қарори юзасидан гапириб қўя қолди. Машғулотда кўргазмали қуроллардан, сиёсий картадан мутлақо фойдаланмади, колхоз ишлаб чиқариши ва КПСС Марказий Комитетининг қарори муносабати билан колхозчилар ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади.

Кўпчилик тўгарак ва сиёсий мактабларда съезд қарорлари ва материалларини ўрганиш бўйича КПСС Марказий комитети томонидан тавсия қилинганича 10 марта эмас, фақат 5 — 6 мартадан машғулот ўтказилди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари эса белгиланган сондаги машғулотларни тўла ўтказишни таъминлаш ўрнига, бу жиддий камчиликка йўл қўйдилар. Баъзаларнинг тўгарак ва сиёсий мактабларнинг тингловчилари билан ўтказилган суҳбатда, улар съезд қарорлари ва материалларини яхши ўзлаштириб олмаганликлари маълум бўлди.

Машғулотлар ғоявий-назарий жиҳатдан паст савияда ўтказилаётганлиги натижасида тингловчиларда қизиқиш ҳосил қилмаётир, уларда назарияни ўрганишга бўлган ҳаваси оширмаётир. Коммунистларнинг активлиги сусайиб кетмоқда ва уларнинг кўпчилиги машғулотларга келмай қўйдилар.

«Ленинский путь» колхози бошланғич партия ташкилоти (секретари Ўртоқ Айдаров) ҳисобида 52 коммунист туради. Партия маорифи шохобчаларидаги ўқишга эса фақат 17 коммунист жалб этилган. Лекин уларнинг ҳам кўпчилиги машғулотларга қатнашмайди, машғулотлар одатда 4-5 коммунистнинг иштирокида ўтказилади. «III Интернационал» ва бошқа колхозларнинг бошланғич партия ташкилотларида ҳам шу каби аҳволни кўрамиз. Умуман район бўйича партия маорифи шохобчаларида ташкил этилган тўгарак ва сиёсий мактаб тингловчиларининг кўпи билан 30 — 40 проценти машғулотларга қатнашаётир. Апрель ойида кўпгина тўгаракларда «коммунистлар экиш кампаниясида банд» деган баҳона билан машғулотлар ўтказилмади. 1- РТС, Жамбул номли колхоз партия ташкилотлари ҳузуридаги тўгаракларда ва район партия комитети қошида ташкил этилган иқтисодий мактабда машғулотлар бутунлай тўхтатиб қўйилди.

Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими ва инструкторлари коммунистларнинг сиёсий ўқишини яхши йўлга қўйиш, машғулотларни юқори савияда ўтказиш юзасидан бошланғич партия ташкилотларига ҳамда пропагандистларга ёрдам бермаётирлар. Улар тўгарак ва сиёсий мактабларнинг ишларини устидан контроллик олиб бормайдилар, машғулотларда камдан-кам қатнашадилар.

КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилишда район партия комитетининг сиёсий маориф кабинети катта роль ўйнаши керак. Бироқ, у пропагандистларга ва назарияни мустақил ўрганувчиларга методик ҳамда назарий ёрдам бериш марказига айлантирилмаган. Бутун ўқув йили давомида бу ерда пропагандистлар учун ташкил этилган назарий семинарнинг фақат икки марта машғулоти ўтказилди. Унда 52 пропагандистдан ҳаммаси бўлиб 15 — 20 киши иштирок этди. Йил бошида консультант қилиб тайинланган райком секретарлари Ким ва Ўтамалиев ўртоқлар шу маҳалгача бир марта ҳам консультация ўтказмадилар.

Сиёсий маориф кабинетида район, корхона ва колхозларнинг хўжалиги етти йиллик мобайнида қайдаражада ривожланажагини акс эттирувчи материаллар йўқ. Шунингдек бу ерда пропагандистлар учун тавсия этиладиган сиёсий ва бадиий адабиётлар стенди ҳам ташкил этилмаган.

Районда ўқув йили бошида 105 киши марксча-ленинча назарияни мустақил ўрганишга хоҳиш билдирган эди. Бироқ йил давомида улар билан ҳеч қандай иш олиб борилмади, уларнинг биронтаси билан ҳам ўзаро суҳбат ўтказилмади. Натижада кўпчилик коммунистлар ўз устларида ишламай қўйдилар, улар КПСС XXI съезди қарорлари ва материаллари ҳақида жуда кам тасаввурга эгалар.

Район ижроия комитетининг масъул секретари Нуъмонов ва район партия комитети секретарининг ёрдамчиси Ким ўртоқлар билан суҳбат ўтказилганида, улар съезд қарорлари ва материалларини ўрганишни ҳали бошламаганликларини айтдилар. Халқ судьяси ўртоқ Ёрматов ҳатто кундалик газеталарни ҳам ўқимайди. Шу сабабли у «Республикамиз меҳнаткашлари бу йил мамлакатга қанча пахта беришлари керак?» деган саволга: «2 миллион 800 минг тонна» деб жавоб берди. Ҳатто ўртоқ Ёрматов шу чоққача район меҳнаткашлари олган мажбуриятлардан ҳам хабарсиз экан.

Район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири Усмонов, район халқ маорифи бўлимининг мудири Абдураззоқов, пахта тайёрлаш пунктининг мудири Холиқов ўртоқлар ҳам «эски билимларига» таяниб, ўз устларида ишламаётирлар.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари комсомол ва ёшларни сиёсий жиҳатдан тарбиялашга етарли эътибор бермаётганликлари натижасида, бу ўқиш йилида кўпчилик комсомол ҳамда ёшлар умумий таълим ва сиёсий ўқишнинг бирон турига ҳам жалб қилинмадилар. «Политотдел», «Правда», Жамбул номли, Свердлов номли колхозларнинг комсомоллари ўртасида КПСС XXI съезди қарорлари ва материалларини ўрганиш, айниқса, талабга жавоб бермайди. Ана шу тўрт колхознинг ўзидагина қарийб 500 комсомол аъзоси съезд қарорлари ва материалларини ўрганиш соҳасидаги ўқишга жалб этилмаган. Шунингдек «Новий путь», Жданов номли, Ленин номли колхозларда, 2-РТС, район ижроия комитети, район алоқа бўлими, район маданият бўлими ва бошқа бир қатор ташкилотларда ҳам ёшлар ўртасида съезд материалларини пропаганда қилиш ташкил этилмаган.

Ҳозир партия ташкилотлари учун масъулиятли давр бошланди. Партия маорифи шохобчаларида ўқиш йилини тамомлаш ва якунловчи машғулотларни ўтказиш вақти яқинлашиб қолди. Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари буни ҳисобга олиб, коммунист ҳамда комсомолларнинг сиёсий ўқиши соҳасида юз берган аҳволни яхшилаш, ўқув йилини муваффақиятли тамомлаш ва якунловчи машғулотларни ўтказишга яхши тайёргарлик кўриш юзасидан зарур чоралар кўришлари керак.

Т. САЛОҲИДДИНОВ.

Хотин-қизлар конференцияси

Яқинда «Қизил тонг» тикувчилик фабрикасининг маданият саройи биносида Ленин район хотин-қизларининг 2- конференцияси ўтказилди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ З. Раҳимбобоева «КПСС XXI съезди қарорларини амалга оширишда хотин-қизларнинг роли» деган темада доклад қилди.

Конференцияда «Қизил тонг», Канап фабрикалари хотин-қизлари номидан сўзга чиққан Белоусова, Огли ўртоқлар фабрикасининг меҳнатсевар ишчи хотин-қизлари съезд қарорларини амалга оширишда фидокорона меҳнат қилаётганликлари ҳақида гапирдилар.

Ўқитувчи Тимофеева эса болаларни тарбиялашда оналарнинг роли ҳақида сўзлади.

Конференция иштирокчилари КПСС XXI съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан район хотин-қизларига мурожаат қабул қилдилар ва район хотин-қизлар совети аъзоларини, шаҳар хотин-қизлар конференциясига делегатларни сайладилар.

Капитал қурилишига эътибор кучайтирилсин

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда шаҳар партия комитетининг секретари ўртоқ П. Сазоновнинг Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг 1958 йил 4 декабрдаги ҳамда шаҳар партия комитети тўртинчи пленумининг Тошкент шаҳрида капитал қурилишининг бориши тўғрисидаги қарорларининг бажарилиши ҳақидаги доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Бу йил шаҳар бинокорлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Жуда катта ҳажмда саноат, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар қурилиши амалга оширилиши керак. 1959 йилнинг 4 ойида капитал маблағ ўзлаштириш ва уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди. «Средазтрансстрой» трестининг 8- қурилиш участкаси, 153- бинокорлик трести, «Ўзэлектромонтаж» трестининг шаҳар монтаж бошқармаси, «Строймонтаж» бошқармаси коллективлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни тўла ва ошириб бажаришга эришдилар. Лекин шунга қарамай, шаҳарда тўрт ойлик капитал қурилиш плани бажарилмади. Пландаги 262,4 миллион сўм ўрнига фақаттина 199,6 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди, холос. Тошкент халқ хўжалигига қарашли 22 объектнинг фақат 4 тасидагина қурилиш ишлари топшириги адо этилди.

Худди шундай камчиликларни уй-жой, маданий-маиший объектлар ва мактаблар қурилишида ҳам кўриш мумкин. Уй-жой қурилиши тўрт ойлик плани 77,2 процент адо этилди.

Капитал қурилиши бўйича йил қўйилаётган бундай камчиликлар шуни кўрсатадики, Тошкент шаҳар партия комитетининг бюроси ва шаҳар ижроия комитети Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети бюросининг ўтган йил 4 декабрдаги ва шаҳар партия комитетининг тўртинчи пленуми қарорларини қониқарсиз бажармоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси шу йилнинг 24 апрелида Тошкентда капитал қурилиши масаласини яна муҳокама қилиб, шаҳар партия комитети ва ижроия комитетининг қурилиш ишларига бўлган муносабатларини тубдан ўзгартирмаганликларини, бу соҳага ҳали ҳам етарли аҳамият бермаётганликларини таъкидлаб ўтди.

Пленумда сўзлаган Фрунзе район партия комитетининг секретари Хўжаев, 153- қурилиш трестининг бошқарувчиси Ягудаев ва бошқа ўртоқлар шаҳар партия комитети саноат қурилишига етарли эътибор бермаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

— Саноат қурилишига эътиборсизлик билан қарашга хотима бериш вақти келди, — дейди ўртоқ Ягудаев. — Ҳозирги вақтда трестимиз коллективи асосий кучни саноат объектлари қурилишига қаратмоқда. Аммо бу ерда ишимизга халақит бераётган айрим камчиликлар бор.

Ўртоқ Ягудаев шаҳарда янгидан ташкил этилган «Стройдеталь» трестининг ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Трест шаҳрда олиб борилаётган қурилишларни темир-бетон конструкциялари, дурадгорлик буюмлари, инерт материаллари билан таъминловчи асосий ташкилотдир. Лекин унинг транспорт хўжалиги йўқ.

Бешинчи гишт заводлари бошқармасининг директори Холмирзаев, собиқ «Главташкентстрой»нинг бошлиғи, ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрининг ўринбосари Скребнёв ўртоқларнинг нутқлари пленум қатнашчиларини қаноатлантирмади. Улар ўз адресларига қарата айтилган танқидий мулоҳазаларни силаб-сийпаб кетишга интилдилар, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун қандай амалий чоралар кўрилаётганлиги ҳақида лом-мим демадилар.

Пленумда қурилиш индустриясининг ишлаб чиқариш корхоналарини вужудга келтириш, транспорт воситалари ва бинокорлик механизмларидан фойдаланиш, меҳнатни ташкил этиш, қурилиш ишлари сифатини яхшилаш масалаларига ҳали ҳам етарли аҳамият берилмаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Музокараларда 159- қурилиш трести бош инженери Репин, «Ташсельмаш» заводи директори Оттигашев, шаҳар ижроия комитети капитал қурилиши бошқармасининг бошлиғи Каграманов ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғуломов нутқ сўзлади.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари М. Абдураззоқов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари А. Рудин, республика Госпланининг раиси С. Зиёдуллаев, республика қурилиш министри С. Иброҳимов ўртоқлар иштирок этдилар.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1959 йил 29 майгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Ҳаммаси бўлиб	Бир кунлик ўсиш
Мирзачўл	139,5	6,2	Орджоникидзе	68,4	12,5
Верхне-волинск	131,5	10,7	Янгийўл	60,4	18,6
Куйи Чирчиқ	118,7	11,3	Пискент	55,0	9,5
Қорасув	112,1	7,8	Бўка	31,5	12,5
Ўрта Чирчиқ	112,7	13,7	Юқори Чирчиқ	22,9	6,8
Боёвут	101,0	20,5	Оҳангарон шаҳри	17,6	5,7
Гулистон	100,8	25,9	Бўстонлиқ	7,7	3,4
Чиноз	100,6	28,2	Олмалиқ шаҳри	1,2	0,9
Калинин	85,1	17,9	Паркент	0,2	—
Оққўрғон	77,7	6,4	Янгиер шаҳри	—	—
Сирдарё	77,1	14,4			
Бекобод	75,4	6,4	Область бўйича	66,4	11,4

Ў Р Т А О С И Ё Н И Н Г Р О С С И Я Г А Қ Ў Ш И Б О Л И Н И Ш И Н И Н Г П Р О Г Р Е С С И В

А Ҳ А М И Я Т И Г А Б А Ғ И Ш Л А Н Ғ А Н Б И Р Л А Ш Г А Н И Л М И Й С Е С С И Я Г А

ЯНГИ УСУЛ МАКТАБЛАРИ ҲАҚИДА

Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан кейин Ўрта Осиёда мактабнинг янги турлари очилган. Шундай мактаблардан бир хиллари янги усул мактаблари эди. Янги усул мактаблари тарихий зарурият натижасида пайдо бўлиб, ўз даврида маълум роль ўйнаган.

Янги усул мактаблари ҳозирги Ўзбекистон территориясида асосан 1900 йилдан очила бошлаган. Мазкур мактабнинг ташаббускорлари рус-тузем мактабларидан ўрнак олган маҳаллий зиёлилар эди.

Янги усул мактабларида эксплуататорларнинг ҳам, меҳнаткашларнинг ҳам болалари ой сари бир сўмдан уч сўмгача пул тўлаб ўқиши мумкин бўлган, аммо бу мактаблардан биринчи навбатда миллий буржуазия манфаатдор бўлди.

Чор амалдорлари 1908 йилгача бирон жойда янги усул мактаби очилганини сезиб қолса, тезда зўрлик билан бекитган, маҳаллий нодон руҳонийлар, эски мактабларнинг домлалари ҳам мазкур мактабларни ёқтирмаган. Улар янги усул мактаблари «ислом динига ҳалал етказади», бу мактабларнинг муаллимлари «кофир», «бедин» деб ташвиқ қилганлар.

1908 йилларда янги усул мактабларининг сони кўпайиб кетган, уларнинг ҳаммасини зўрлик билан бекитиб қўйиш мумкин бўлмай қолган. Бир қанча муаллимлар янги усул мактабини расмий очиш учун рухсат сўраб, Туркистон ўқув округи бош инспектори номига арзнома бера бошлаган.

1909 йилда махсус комиссия янги усул мактаблари учун 9 моддали «Қоида» тузган, «Қоида»ни кўриб чиқиб, мулоҳазаларини баён қилиш губернатор маслаҳатчиси А. А. Семеновдан сўралган.

А. А Семенов янги усул мактабларини очишга давлат рухсат берса бўлади, деган хулосани чиқарган; шу билан бирга, «Қоида»нинг ҳар бир моддасига киритилиши керак бўлган ўзгаришларни ҳам кўрсатган, Семенов бундай ёзади: «...Аслини олганда янги усул мактабларининг икки тури мавжуд: бир тури — мачит мактаби, фақат диний мактаб—қадимги шовқин-сурон мактаби бўлиб, унда ўқишга ўрганишнинг силлабик (ҳижо) усули товуш методи билан алмаштирилган; иккинчи тури эса биздаги бошланғич мактабларга яқин типдаги мактаблардир, уларда ўқишга ўргатиш товуш методида бўлишидан ва изоҳли ўқиш ўтказилишидан ташқари, бошланғич умум таълим предметлари ҳам, Европа мактабларида ўқитилганидек, ўқитилади».

Шуни ҳам айтиш керакки, Туркистонда мактаб-маориф иши билан шуғулланган чор амалдорларининг янги усул мактабларига муносабати ҳар хил бўлган; чунончи: Н. П. Остроумов янги усул мактабларига қаршилик кўрсатиб, янги усул мактабларини «кўриш учун» борганида, жамоатнинг олдида: «Домла, каломи шарифни кўпроқ ўқитинг, ҳа каломи шарифни...», — деб таъкидлаб турган. С. М. Граменицкий эса янги усул мактабларига хайрихоҳлик билдирган. Буни ўз вақтида янги усул мактаби муаллимлари ҳам англаган: 1916 йил 21 ноябрда С. М. Граменицкийнинг педагогик фаолиятига 35 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилейда Тошкент янги усул мактаблари муаллимлари номидан қуйидаги табрик хат ҳам ўқиб берилган:

«Ҳурматли Сергей Михайлович! Биз, Тошкент янги усул мактабларининг муаллимлари,... Туркистонда эндигина тараққий қила бошлаган янги усул мактабларига Сизнинг доимо оталарча гамхўрлик қилиб келишингизни қайд қилмай ўтолмаймиз.

Биз Сизнинг янги усул мактабларининг дастлабки ҳомийларидан бири бўлганингизни ва ҳозир ҳам мазкур мактабларнинг тарафдори эканлигингизни биламиз.

Сиз бошқа турдаги мактабларга қандай меҳр қўйган бўлсангиз, бизнинг мактабга ҳам ҳар доим ана шундай меҳр қўйиб келдингиз...»

Янги усул мактаблари ўз вақтида тўла ҳисобга олинмаган, архивларда ҳам бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Аммо профессор Қориниёзийнинг «Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар» китобининг 128-бетида ёзилганидек, «Янги усул мактаблари жуда озгина, бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб атиги 40 тагина» эмас, кўп бўлган: Тошкент шаҳар бошлиғининг 1911 йил 31 июлда Туркистон генерал-губернатори маҳкамасига берган маълумотига кўра, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 16 та янги усул мактаби бўлган. Аниқлашимизча, 1917 йил арафасида Қўқонда 24 та, Андижон шаҳри ҳамда шаҳар атрофидаги қишлоқларда 34 та янги усул мактаби бўлган.

Ўзбекистондаги янги усул мактабларининг ягона ўқув плани, программаси ва дарсликлари бўлмаган; муаллимлар ўзи танлаб олган ўқув китобларини ишлата берган, чунончи: Рустамбек Юсуфбек ўғли (1880—1950) Тошкентнинг Кўкча даҳасига тобе Подахона маҳалласида очган мактабида болаларни ўқиш ва ёзишга ўзи ёзган «Таълими аввал», «Таълими соний» каби китоблари билан ўргатган; Абдулла Авлоний (1878—1934) Тошкентнинг янги шаҳар қисмида Сапер ва Миробод кўчалари бурчагидаги янги мачит қошида очган мактабида ўзи ёзган «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим» ва бошқа китоблари билан хат-савод ўргатган; Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) Қўқоннинг Ҳожибек ва Шайхулислом гузарида очган мактабида татарча «Муаллими аввал» китобидан, шунингдек ўзи ёзган ўқиш китобларидан фойдаланган; Абдуқодир Абдушукур ўғли Шукрий (1875—1938) Самарқанд шаҳри ёнидаги Ражаб Амин қишлоғида деҳқон болаларини ўзи ёзган тожикча ўқув китоблари билан ўқитган ва ҳоказо.

Баъзан бир неча янги усул мактаби муаллими одатда чойхонага тўпланишиб, «ўқув плани», шунингдек, қандай китоблари ўқитиш ҳақида маслаҳатлашиб олган.

Таълим-тарбия янги усул мактабларида эски мактабдагига нисбатан бирмунча дуруст бўлиб, асосан болаларнинг она тилидаги ўқув китоблари ўқитилган; хат-савод товуш методида ўргатилган (шунинг учун янги усул мактаби деб аталган). Бу мактабларда ҳам дин дарси учун кўп вақт ажратилган, аммо эски мактаблардан фарқи шуки, диний ақидалар болаларнинг ўз она тилида ўргатилган. Янги усул мактабларида асосан ўғил болалар ўқиган, аммо Тошкент, Қўқон, Каттақўрғон каби шаҳарлардаги баъзи янги усул мактабларида қизлар учун махсус синфлар очилган; баъзи мактабларда эса қизлар билан ўғил болалар бирга ўқиган.

Ўзбекистондаги янги усул мактаблари бошланғич маълумот берган. 1917 йил арафасида фақат 3 та янги усул мактабида рушдий синф (V—VII синф) бўлиб, тахминан тўлиқсиз ўрта маълумот берилган.

Янги усул мактабларининг одатда махсус биноси бўлмаган. Машғулотлар бўш ҳовлиларда, баъзи кишиларнинг ташқари ҳовлисидаги бир-икки хонада ўтказилган.

Янги усул мактабларида болалар синфларга бўлиб ўқитилган, улар партага ўтирган; дарс системаси жорий қилиниб, машғулотлар дарс жадвали асосида бўлган; дин, она тили, ҳисоб, география, тарих, ахлоқ каби предметлар ўқитилган. 1910 йиллардан янги усул мактабларида рус тили ҳам ўқитила бошлаган.

Янги усул мактабларида имтиҳон ўтказилган, баъзан имтиҳонга 200—300 га яқин киши йиғилган. Бундан янги усул мактаби муаллимлари болаларнинг билимини халқ олдида намойиш қилиб, янги усул мактабини ташвиқ қилганлар, руҳонийларнинг ғиғвоси пуч эканлигини исботлаганлар.

Баъзи янги усул мактаби муаллимлари русча ва татарча дарсликлардан ўрнак олиб, ўз тажрибасига асосланиб, товуш методида ёки маддия усулида алифбе китоблари ёзганлар, ўқиш китоблари тузганлар.

Ўқиш китобларидаги текстларнинг бир қисми оригинал, бир қисми эса И. А. Крилов, Л. Н. Толстой, К.Д. Ушинский ва бошқа

Юқори Чирчиқ районидаги Осипенко номли 30- ўрта мактабнинг 9- синф ўқувчиси Шарифа Эҳсоналиева мактабда пилла қурти боқиш ишида актив қатнашди. Шарифалар парвариш қилган пилла қурти 20 кунда дастага кириб мўл ҳосил берди. Суратда: Ш. Эҳсоналиева.

М. Шевелев фотоси.

Мевали дарахтларни меҳр билан парвариш қилайлик

(Газетхонлар хатларига обзор)

Республикамиз қадимдан мевали дарахтлар макони бўлиб келган. Деҳқонлар бу йил ўз юртларини яна ҳам сермева, серфайз қилиш учун астойдил кураш бошладилар. Областимиз колхоз ва совхозларида ҳам узум, олма, анор, олхўри каби хуштам меваларни кўпайтириш учун ҳар йилгига қараганда бу йил жиддий киришилди. Мухбирларимиздан келаётган жуда кўп хатларда ана шу ҳақда ёзилмоқда.

— 12-«Қорақалпоқ» бағдорчилик совхозида, — деб хабар қилади ўртоқ С. Холназаров Юқори Чирчиқ районидан, — боғларни кенгайтириш учун курашилиб, шу йилнинг ўзида 302 гектар ерга олма ва 100 гектардан ортиқроқ ерга ток кўчатлари ўтказилди.

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари бу йил 60 гектар ерда янгидан боғ ташкил қилдилар. Колхозчилар эски мевали дарахтлардан юқори ҳосил олиш учун астойдил курашаяптилар. Бу ҳақда А. Турсунов ва Х. Бутунбоев ўртоқлар ёзиб юборганлар.

Редакциямизга Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоздан келган бир хабарда жуда катта майдонда боғ ташкил қилингани, колхозчилар етти йилликнинг охиригача яна юз гектар ерда боғ барпо қилишни мўлжаллаётганликлари ҳикоя қилинади. «Колхоз боғида анор ва анжир ҳосили мўл бўлаётир, — деб ёзадилар шу хабарнинг авторлари Х. Ҳожиматов ва Б. Соибназаров ўртоқлар, — шу сабабли боғбонлар келгуси йилларда бу меваларни кўплаб экмоқчилар.

А. Валиев, Қ. Парпиев, Р. Отақулов ва Т. Расулев ўртоқларнинг Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм», Карл Маркс номли ва Калинин районидаги Сталин номли колхозлардан юборган хабарларига қараганда, бу хўжаликларда ҳам катта майдонларда боғлар ташкил этилиб, мевали дарахтлар меҳр билан парвариш қилинаяпти. Ўртоқ Х. Зикриллаев 4-«Боёвут» совхозининг ўртоқ Э. Эрматов бошқарувчи бўлган бўлимидан хабар қилиб айтадики, бўлимда ўтган йили юз гектар ерда боғ ташкил этилган эди. Бу йил ҳам ўшанча майдонда токзор, олмазор ва анорзор барпо қилинди. Ҳозир бу дарахтларга агротехника қоидалари асосида ишлов берилаяпти.

Паркент районидаги Калинин номли, Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхозларда ва «Бўстонлиқ» боғ совхозида ҳам мевали боғлар йил сайин кенгайтирилмоқда ва яхши парвариш қилиниб, ҳосилдорлик оширилмоқда. Ш. Йўлдошев, О. Курбонов ҳамда Н. Тожибоев, Р. Назаров ўртоқлар ана шулар ҳақида хабар қилганлар.

ҚОРАСУВ РАЙОНИ ДАВЛАТГА ТУХУМ ТОПШИРИШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

ҚОРАСУВ. (Телефон орқали олинди). Район меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларини изчиллик билан амалга ошириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Кеча яна бир хушхабар олинди. Район бўйича давлатга 290 минг донадан ортиқ тухум топширилиб йиллик план 100 процент бажарилди.

Паррандачилар бу эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Давлатга тухум топириш давом этмоқда.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН

КПСС Марказий Комитетининг Пленумини муносиб кутиб олайлик!

☆

Кўплаб янги техника жорий қилинади

«Ўзбекуголь» комбинати кўмир разрезининг коллективи КПСС Марказий Комитети Пленумининг чақирилиши ҳақидаги хушхабарни зўр мамнуният билан кутиб олди. Бундан руҳланган кончилар мавжуд резервларни қидириб топмоқдалар, қазиб чиқарилаётган кўмир сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бераётирлар.

Етти йилликнинг биринчи йилида бир қанча янги юқори унумли агрегатлар ишга туширилади. Шу йилдан бошлаб ЭШ-6/60 маркали қудратли одимловчи экскаватордан фойдаланила бошланади. 6 кубометр ковшли бу экскаваторнинг стреласи қазиб чиқарилаётган кўмирни 60 метр масофага узатиб бера олади. Бу эса кўмир ва породаларни транспортировка қилиш ҳаражатларини бекиёс камайтиради.

Разрезнинг ер устига яқин жойлашган кўмир қатламларини қазиб олиш энг murakkab процесслардан ҳисобланади. У ердаги ёқилғи бошқа кон жисмлари билан жуда аралашиб кетган. Мавжуд экскаваторлар эса юпқа қатламли кўмирни қазиб олишга мосланмаган бўлиб, натижада ёқилғи породалар билан аралаш қазилади. Бу ёқилғи сифатининг ёмонлашишига олиб келарди. «Гидроуглеавтоматизация» лойиҳалаш институти шундай қатламли кўмирларни қазиб чиқаришга мосланган роторли экскаваторнинг лойиҳасини тайёрлади. Бундай машиналар Оҳангарондаги кўмир разрезида синовдан ўтказилади.

Шунингдек бирқанча бошқа кон саноати ускуналари ишга туширилади. Бу, етти йилликда кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш юзасидан коллектив олдида турган вазифаларни тўла-тўкис бажаришни таъминлашда асосий роль ўйнайди.

З. АЛЬМУҲАМЕДОВ.

Муносиб совға тайёрламоқдалар

Тошкент шаҳар саноат кооперациясига қарашли артеллар аъзолари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитетининг шу йил 24 июнда очиладиган Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш процессларини тинмай механизациялаш, янги техникани кенг жорий қилиш натижасида шу йилнинг беш ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 25 майдаёқ 100,9 процент қилиб бажарилди.

Саноат кооперацияси ходимлари етти йилликнинг дастлабки олти ойлик топширишини муддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда 3 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида оширилган мажбурият олдилар.

☆ ☆

Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда

Завод дарвозаси тепасига катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган сўзларга кўзи тушган киши, бу ерда экскаваторлар ремонт қилинар экан, деб ўйлаши турган гап. Тўғри, бундан 3-4 йил муқаддам корхона эндигина ишга туширилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳали кенг қулоч ёймаган, шунинг учун ҳам фақат ремонт ишлари билан шуғулланар эди. Эндиликда эса бу ёш завод ўзига берилган номдан анча ташқарига чиқиб кетди. Ўтган қисқа муддат ичида заводнинг ўзи ҳам, унда меҳнат қилаётган коллектив сафи ҳам, у бажараётган ремонт ишларининг ҳажми ва тури ҳам анча ўсди.

Ҳозирги кунда корхона коллективи фақат экскаваторларнигина ремонт қилиш билан чекланиб қолмай, шу билан бир қаторда Д-6 маркали дизель моторларини ҳам ремонт қилмоқда. Бундан ташқари ПВ-8 маркали дала вагонлари, ЭПТ-40 маркали трайллерлар ишлаб чиқармоқда ҳамда қатор сув хўжаликлари, чуночи Туябўғиз, Чимқўрғон сув омборлари учун турли хил каттакичик винтли подъёмниклар, затворлар ҳамда бошқа турдаги кўпгина асбоб-ускуналар етказиб бермоқда.

Корхона коллективи технология процессларини янада такомиллаштириш, янги асбоб-ускуналарни белгиланган муддатларда ўрнатиш ва улларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлаш ҳамда рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини жорий қилиш ҳисобига маҳсулот тайёрлашга сарфланаётган меҳнат ва ҳомашёни камайтиришга аҳд қилган эди. Ҳозир улар дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Маълумки, Тошкент экскаватор ремонт заводи турли корхона ва ташкилотларнинг заказларинигина бажаради. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб чиқариш процессларини тўла автоматлаштириш ва механизациялаш бирмунча қийинчилик туғдиради. Лекин корхона ишчилари ва инженер-техник ходимлари айрим ишлаб чиқариш процессларини ва маълум турдаги деталлар, шайба ва гайкалар тайёрлашни қисман бўлса ҳам механизациялаштириш мақсадида қатор ташкилий-техника тадбирларини ишлаб чиқдилар. Булардан кўпчилиги ҳозирдаёқ ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Ҳозир марказий цапфалар, гилдиракларнинг ўқлари ҳамда ҳаракатга келтирувчи механизмнинг муфталарини пресслаш ишлари тўла механизациялаштирилди. Бундан ташқари тиш қирқадиган «Нильс» станоги модернизация қилинди. Завод коллективи яқин кунларда металл қирқадиган ярим автомат линияни ишга туширишнинг учун ҳаракат қилмоқда. Юқоридаги бу тадбирларнинг амалга оширилиши меҳнат унумдорлигини янада ошириш, иш циклини қисқартириш ва тайёрланаётган маҳсулот таннархини тагин ҳам камайтириш ҳамда шу йўл билан давлатнинг кўплаб маблағини тежаб қолиш имконини беради.

— Корхонамизда,— дейди завод бош технологи П. Бабков,— рационализаторлар ва ихтирочилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Рационализаторлардан Смольноков, Бродянский, Бабликов ва Заболуевларнинг номи ҳурмат билан тилга олинмоқда. Темирчи И. Заболуевнинг биргина таклифини олиб кўрайлик. Заводимизда Э—502 маркали экскаваторнинг тройниги олдин қўйилиб, сўнгра парма ёрдамида тешилар эди. Заболуев эса ана шу деталлнинг тешигини уни қуйиш вақтида қўйиб кетиш ҳақида таклиф киритди. Бу таклифнинг амалга оширилиши йилига 13 минг 700 сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Ўтган тўрт ой мобайнида меҳнат унумдорлигини кескин ошириш имконини берадиган 93 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари тушди. Корхона ишчилари ва инженер-техник ходимларининг ана шу таклифларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш йилига давлатнинг юз минг сўмлаб маблағини тежаб қолиш имконини беради.

Ойлик ва квартал планларини муттасил равишда ошириб бажариб келаётган Тошкент ремонт экскаватор заводининг меҳнатсевар коллективи биринчи ярим йиллик план топшириқларини КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очиладиган кунгача бажариш учун бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда.

У. ҒОЗИЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Эътиборсизликка хотима бериш керак"

Газетамизнинг шу йил 28 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолада Яланғочдаги 2-ғишт заводлари бошқармаси корхоналарини реконструкциялашда юз бериб келаётган нуқсонлар очиб ташланган эди.

Тошкент Совнархози бинокорлик материаллари саноати башқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Йўлдошев мақола юзасидан редакцияга қуйидагиларни маълум қилди:

Мақола босилиб чиққанидан кейин корхонани реконструкциялаш йўлида қуйидаги тадбирлар кўрилган:

Камерали ғишт қуритиш блокининг бири реконструкция қилиниб, ишга туширилди.

2-блокни реконструкция қилиш ишлари ҳам жадаллаштирилиб, иш икки сменали қилиб ташкил этилди. Натижада ер қазиш ишлари 15 майда тамомланди.

Айланма печь капитал ремонт қилиниб, у ғишти тез усулда пиширишга мослаштирилди. 2-печда 10 та камера янгидан тикланди. Маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида 2-ғишт заводлари бошқармасига мутахассис кадрлар юборилди.

СССР Ташқи ишлар министрлигида

28 майда СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари В. С. Семенов Эроннинг Москвадаги Элчиси А. Масуд-Ансорий жанобларини қабул қилиб, унга қуйидаги мазмунда нота топшириди.

«СССР Ташқи Ишлар Министрлиги кейинги вақтларда Эрон ҳукумат маъмурларининг Теҳрондаги Совет Элчихонасига қарши қаратилган игвогарлик ҳаракатлари қилганликларига Эроннинг СССРдаги Элчихонасининг эътиборини жалб қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Теҳрондаги СССР Элчихонаси матбуот бўлимининг экспедитори Баштез Совет Элчихонасининг матбуот бўлими томонидан нашр қилинаётган «Ахбор» («ТАСС информацияси») бюллетенини шу йил 9 майда олиб бораётганида Эроннинг полиция офицери Теҳроннинг марказий Лолазор кўчасида унинг юзига ҳеч бир сабабсиз бир шапалоқ урди.

14 майда мазкур экспедитор Баштез ва шофер Қулиев Элчихонанинг мазкур «Ахбор» бюллетенини ва «Советский Союз» журналини Элчихона автомашинасида расмий адресларга ва Теҳрон газеталарининг редакцияларига олиб бораётганларида полиция маъмурлари уларни қамоққа олдилар. Эрон табааларидан бўлган Баштез ва Қулиев Теҳрондаги СССР Элчихонасининг ходимларидирлар.

Шу муносабат билан Эрон матбуотида, команда берилганидек, Совет Элчихонасига қарши туҳмат кампанияси бошланди. Гарчи Элчихонанинг мазкур бюллетени бошқа чет давлатлар элчихоналари ва миссияларининг жуда кўп бюллетенлари ва нашрлари сингари мавжуд қоидаларга мувофиқ кўп йиллардан бери Теҳронда нашр қилиниб ва тарқатилиб келаётган бўлса ҳам, Элчихона мазкур шахслар орқали қандайдир «рухсат этилмаган» варақалар ва пропаганда материалларини тарқатиш билан шуғулланиб келган, деган бемаъни хабарлар тарқатилмоқда. Шу муносабат билан Совет Элчихонасига рухсат этилмаган қандайдир фаолият билан шуғулланаётир, деган айбни тўнкашга ва бунинг учун Элчихона ходимларини таъқиб қилишга уриниш СССР Элчихонасини очиқдан-очиқ камситишнинг ўзгинасидир ва бу уринишлар ҳамма қабул қилган халқаро нормалар ва одатларни қўпол равишда бузади. Ҳақиқатда Эрон маъмурлари Элчихонанинг ишлаши учун тоқат қилиб бўлмайдиган шароит туғдиришга уринмоқдалар. Буни ҳукумат маъмурларига яқин турган матбуотнинг Теҳрондаги Совет ходимларидан ўч олишни талаб қилаётганлиги ҳам кўрсатиб турибди. Масалан, «Жаҳон» газетасининг Совет Элчихонаси ходимларини «ушлаб олиб, дор остига юборишга» керак деб талаб қилиб чиқаётганлиги сингари фактлардан кўз юмиб ўтиб бўлмайди. Бунга илова қилиб шуни айтмоқ керакки, Элчихона ходимларини ўлдирамиз деб дўқ қилинган ва бировнинг қутқуси билан ёзилганлиги очиқ кўриниб турган бир типдаги хатлар Элчихонага юборилмоқда. Аммо Совет Элчихонаси Эрон Ташқи Ишлар Министрлигига тегишли тақдимлар қилганлигига қарамай, бу хилдаги душманчилик чиқишлари тўхтатилмаётир.

Маълум бўлишича, СССР Элчихонасининг ходими Эрон ҳукуматининг ижозати билан Баштез ва Қулиев турган қамоқ камерасига 19 майда борганида, улар сўроқ вақтида терговчиларнинг дўқлар қилганликларини, шунингдек «Элчихона раҳбарларининг кўрсатмалари билан давлатга қарши варақалар ва нашрлар тарқатиб юрганмиз» деб ёзилган аризага қўл қўйишни талаб қилганликларини айтиб бердилар. Қулиев ва Баштез бундай «аризаларга» қўл қўйишдан бош тортдилар.

Министрлик Эрон ҳукумати маъмурларининг бу хилдаги ҳаракатларини Теҳрондаги Совет Элчихонасига нисбатан қилинаётган, Совет-Эрон муносабатларини ёмонлаштиришга қаратилган қўпол игвогарликдан бошқа нарса эмас деб ҳисобламаслиги мумкин эмас.

СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Эроннинг тегишли органлари Эрон ҳукумат маъмурларининг мазкур игвогарлик ҳаракатларини тугатмоқ учун дарҳол чора кўрадилар ва Элчихонанинг нормал ишлаши учун шароит яратиб берадилар деб кутади».

Элчи нотанинг текстини Эрон ҳукуматига топширамиз, деди.

Чегара қўшинларининг 41 йиллиги

28 майда Совет Иттифоқи чегара қўшинларига 41 йил тўлди. Москвада шу кунга бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда генерал ва офицерлар, қўшин ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

Шонли йиллик тўғрисида генерал-лейтенант С. А. Банних доклад қилди.

Докладчи Совет Қуролли Кучлари ва чегара қўшинларининг шонли жанговар йўлини батафсил характерлаб берди, чегарачиларнинг қаҳрамонона зафарларини кўрсатувчи ажойиб мисоллар келтирди.

Совет чегара қўшинларининг 41 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишлар Минскда, Тбилисида, Львовда, Таллинда, Виборгда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди. (ТАСС).

Антарктикага бағишлаб конференция чақириш тўғрисида

Аргентина, Австралия, Бельгия, Чили, Франция, Япония, Янги Зеландия, Норвегия, Жанубий Африка Иттифоқи, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, Қўшма Королликва Америка Қўшма Штатлари Антарктикага бағишлаб ўтказиладиган конференцияга тайёргарлик кўриш мақсадида 1958 йил июнь ойидан бери музокаралар олиб бордилар. Қўшма Штатлар ҳукумати бошқа ўнбир ҳукуматни шу конференцияда қатнашишга 1958 йил 2 майда таклиф қилган эди. Мазкур ўн икки ҳукумат конференция 1959 йил 15 октябрда Вашингтонда чақирилсин деган битимга келдилар.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

Тарбия ишида жамоатчиликнинг роли

КПСС XXI съезди коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини белгилаб берди. Съезд қарорларида саноат, қишлоқ хўжалигини ва бошқа соҳаларни янада ривожлантириш масалалари билан бир қаторда янги жамият қурувчи кишини тарбиялаш масалаларига ҳам катта эътибор берилган.

Н. С. Хрушчев КПСС XXI съездида қилган докладида бундай деган эди: «...Энг адолатли ва мукаммал жамият бўлган, озод кишининг ҳамма энг яхши маънавий хусусиятлари тўла-тўкис намоён бўладиган коммунизмга ўтмоқ учун биз ҳозирданоқ келажак кишисини тарбиялаб бормоғимиз лозим. Совет кишиларида коммунистик ахлоқни кучайтириш зарур, коммунистик ахлоқнинг асоси коммунизмга содиқ бўлишдан ва коммунизм душманларига аёвсиз бўлишдан, ижтимоий бурчни англашдан, жамиятнинг бахт-саодати учун меҳнатда актив иштирок қилишдан, жамиятда яшашнинг асосий тартиб-қоидаларига ихтиёрий равишда риоя қилишдан, ўртоқларча ўзаро ёрдам беришдан, виждонлик ва ростгўй бўлишдан, жамоат тартибини бузувчиларга нисбатан шафқатсиз бўлишдан иборат».

Тошкент область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари меҳнаткашлар орасида катта тарбиявий ишларни олиб бормоқдалар, улар ўтмишнинг жамиятимизга ёт бўлган безорилик, ичкиликбозлик, порахўрлик, чайқовчилик ва бошқа жирканч сарқитларига қарши жамоатчилик таъсирининг барча воситаларидан фойдаланмоқдалар.

Бутун совет халқи сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда жамоат тартибини муҳофаза қилишда меҳнаткашларнинг иштироки тўғрисида»ги қарорини зўр қониқиш ва якдиллик билан кутиб олдилар. Қарорда меҳнаткашларнинг онглилиги ва сиёсий активлиги ошган ҳозирги шароитда ахлоқсизлик, жамоат тартибини бузиш каби хатти-ҳаракатларга қарши совет демократиясини янада ривожлантириш учун фақат маъмурий органлар орқали эмас, балки жамоат тартибини муҳофаза қилиш ишига меҳнаткашлар ва оммавий ташкилотларни ҳам жалб қилиш йўли билан кураш олиб бориш керак дейилган.

Қарор матбуотда эълон қилингандан бери орадан уч ойга яқин вақт ўтди. Шу вақт ичида область партия активи томонидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди; жамоат тартибини муҳофаза қилиш мақсадида район (шаҳар)ларда штаблар ташкил этилди, корхона ва муассасаларда, транспортларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида 360 та кўнгилли халқ дружинаси тузилди. Бу дружиналар сафига 9500 дан ортиқроқ ишчи, хизматчи, колхозчи ва ўқувчи кирди.

Халқ дружиналари шаҳарлар, район марказлари, совхоз ва колхозларнинг кўчаларида, боғларда, кинотеатрларда, клуб ва бошқа жамоат жойларида тартиб сақлашга актив киришдилар.

Янгийўл шаҳри ва районидаги кўнгилли халқ дружиналарининг дастлабки иш тажрибалари диққатга сазовордир. Бу ерда район штаби тузилиб, штаб составига корхона ва ташкилот раҳбарларидан, дружина командирлари ва шаҳар Совети депутатларидан 17 киши кирди. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Ильин штаб бошлиғи қилиб тасдиқланди. Шаҳар ва районда 550 кишидан иборат 34 дружина ташкил қилинди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти посёлкасида дружинага инженер ўртоқ Белоусов бошчилик қилади. Белоусов дружина ишини яхши йўлга қўйган. 8—10 дружиначи ҳар куни посёлкада патруллик қилиб, жамоат тартибини муҳофаза этади. Яқинда ўртоқ Белоусов дружиначи Новиков ва Ковалев билан бирга бир группа хавфли жиноятчини қўлга туширишда актив иштирок этди.

Сталин номли колхозда дружиначилардан Иброҳимов, Абдураҳимов ва Улухуталар кечаси патруллик қилиб юриб, колхоз бригадири Ильяшевнинг уйидаги нарсаларни ўғирлашга уринган ўғри Макаровни тутиб олдилар. Дружиначилардан Юнусов ва Мўминхўжаевлар кечқурун айланиб юрганларида номаълум автомашина бир колхозчи аёлни босиб кетганини кўриб қолдилар. Дружиначилар таъқиб қилиб, автомашинани ушладилар. Текширишда маълум бўлдики, автомашина шофери Никитин маст бўлиб, ҳаракат қоидасини қўпол равишда бузган ва жиноят қилган.

«Шарқ юлдузи», Ленин номли, Карл Маркс номли ва бошқа колхозлардаги дружиналар фаолиятидан ҳам бундай ижобий мисолларни келтириш мумкин.

Яқинда Янгийўл шаҳрида область пахтакорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Илгари ана шундай пайтларда жамоат тартибини сақлаш ва транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун область бошқармаси ходимларидан қўшимча равишда кишилар юборилар эди. Бу safar эса Янгийўл шаҳар ижроия комитетининг милиция бўлими ходимлари дружиначилар билан биргаликда жамоат тартибини сақлаб, ўзларига юклатилган вазифани яхши адо этдилар. Шаҳар ва район меҳнаткашлари дружиналар фаолиятини маъқуллашмоқдалар. 1959 йил апрель ойида районда чиқадиган «Ленинское знамя» газета редакциясига тартиб сақлаётган дружиначиларга миннатдорчилик изҳор қилиб ёзилган 28 та хат келди.

Қуйи Чирчиқ район партия комитетининг секретари ўртоқ Юсупов район штабига бошчилик қилмоқда. Районда 420 кишидан иборат 30 та кўнгилли халқ дружинаси ташкил этилган. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг дружиначилари Саидов, Ризаев ва бошқалар жамоат тартибини муҳофаза қилишда актив қатнашмоқдалар. Улар ишонтириш методидан фойдаланиб, кўпгина жамоат тартиби бузилишининг олдини олдилар. Улар жамоат тартибини қастдан бузган кишиларни дружина штабига олиб келадилар, акт тузиб, ишини маъмурий органга оширадилар. Бу дружиначиларнинг материаллари асосида А. Алимов, А. Маслов ва А. Сафроновалар майда безориликда айбланиб, суд томонидан жавобгарликка тортилдилар.

Дмитров номли колхозда 100 га яқин илғор колхозчи дружина сафига кирди. Дружинага партия ташкилотининг секретари Ли Чер-су, колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шин Ден-лик ўртоқлар раҳбарлик қилаётирлар. Дружина аъзолари колхозда жамоат тартибини ҳушёрлик билан сақлаб келмоқдалар. Ўртоқ Носиров директорлик қилаётган қўрғонча каноп-жут заводида ҳам дружина иши яхши уюштирилган.

Оржоникидзе районидаги 6- совхозининг ўртоқ Қацман командирлик қилаётган дружиначилари яхши натижага эришмоқдалар. Дружиначи Атторов патруллик қилиб юриб, совхоз еридан 310 туп токни кўчириб, ўғирлаб кетмоқчи бўлган Ткаченко ва Шемяковни тутиб олди. Ўғрилар жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Мирзачўл шаҳридаги мотор-экскаватор заводи, пахта заводининг дружиналари, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари ва бошқа районларнинг дружиначилари фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Кўнгилли халқ дружиналари меҳнаткашларни давлат масалаларини ҳал қилишга жалб этишнинг энг яхши формаси эканлигини турмушнинг ўзи яққол кўрсатиб турибди. Ҳатто ўсмирлар ҳам бу соҳада ҳушёрлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Яқинда Чирчиқ шаҳридаги 8- ўрта мактаб ўқувчиларидан Виктор Оленев ва Николай Козлов Зах аригидан милтиқ ва ўқи билан икки тўппонча топиб, шаҳар милиция бўлимига келтириб беришди. Оленев ва Козлов ҳушёрлик кўрсаттанлиги учун рағбатлантирилди.

Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, баъзи районларда расмият учунгина штаб ва дружиналар тузиб қўйилган, аслида эса бу штаб ва дружиналар жамоат тартибини муҳофаза қилиш юзасидан ҳали ишга киришганларича йўқ. Бекобод, Сирдарё, Паркент ва Ғулистон районлари ижроия комитетларининг милиция бўлимлари ва уларнинг бошлиқлари Мирбеков, Насонов, Ғозиев ва Қулмуротов ўртоқлар бу ишга етарли ёрдам бермаётирлар.

Аҳолини тарбиялашда мажбурий таъсир этиш чораларини тўғри қўллаш катта аҳамиятга эга. Бу, айниқса, қоидани сал бузган ёки биринчи марта бузган кишиларга нисбатан қўлланмоғи керак. Бу ишда ўртоқлик судининг роли катта бўлиши лозим.

«Ташавтомаш» заводи ишчилари район Совети депутатлари билан бирга йиғилишда слесарь Боломошновнинг ахлоқини муҳокама қилдилар. Ишчилар унинг хатти-ҳаракатини қаттиқ қораладилар ва ахлоқини тузатиш учун бир ой муҳлат бериб, бордию шу бир ой ичида тузалмаса, қаттиқ чора кўрилишини айтдилар. 2- автобус парки ишчилари ҳам жамоат тартибини бузган дурадгор Фокинга нисбатан ана шундай йўл тутдилар.

Ўз ахлоқини тузатмаган, жамоатчиликнинг огоҳлантиришига қулоқ солмай, оғир жиноят қилган шахсларга нисбатан қаттиқ чора кўриш керак.

Оржоникидзе районида босқинчилик қилган Костомаров ва Турчин қилмишига яраша жазо олди. Халқ суди «Октябрь X йиллиги» дам олиш уйида бўлган очиқ суд мажлисида ҳар икки жиноятчини 15 йилдан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

Яқинда Ўзбекистон КП Тошкент область комитети прокуратура, суд, милиция ходимлари, партия, совет, комсомол, касаба союз органлари раҳбарларининг область кенгашини ўтказди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакатда жамоат тартибини муҳофаза қилишда меҳнаткашларнинг иштироки тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши натижалари якунланди. Кенгаш қатнашчилари олдига кўнгилли халқ дружиналари тузиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси қўйилди.

Жамоат тартибини сақлаш учун кураш халқ дружиналари фаолияти билан чекланиб қола олмайди. Бу ишга меҳнаткашларни жалб этишнинг бошқа формаларидан ҳам кенг фойдаланиш керак.

Янгийўл шаҳар Советининг депутатлари жамоат тартибини муҳофаза этиш ишига актив жалб қилинганлар. Депутатлар милиция бўлимида навбатчиликда қатнашиб, милиция ходимлари билан бирга баъзи кишилар томонидан жамоат тартибининг бузилишини ва унинг сабабларини ўрганадилар. Баъзан депутатлар тартибни бузган шахс ишлаётган корхона ёки ташкилотга борадилар ва муҳокамада қатнашадилар, бу эса катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Янгийўл шаҳар Совети депутатларининг жамоат тартибини муҳофаза этишда актив иштирок қилишлари катта аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, область партия комитети секретариати қарор қабул қилди. Бу қарорда Янгийўл район партия комитети, шаҳар ва район Советларининг жамоат тартибини муҳофаза этишга меҳнаткашларни жалб қилишнинг янги формаларидан фойдаланишдаги ташаббусларини маъқуллади ва барча шаҳар партия комитетларига, областдаги шаҳар ва район Советларига янгийўлликларнинг бу соҳадаги иш тажрибасидан кенг фойдаланишни тавсия қилди.

Янгийўлликлар ташаббуси областдаги бошқа шаҳар ва районларда қўллаб-қувватланди. Масалан, Оҳангарон шаҳар Советининг депутатлари шаҳар милиция бўлимида мунтазам равишда навбатчилик қиладилар. Шаҳар Советининг раиси, депутат Лисин навбатчилик қилиб турганида навбатчилар хонасига 9- шахтада ишловчи Тагир Биктагиров, Риза Шамалиев ва Марказий ремонт заводи токари Анатолий Дмитриевич Васинни олиб келишади. Улар шахтёрлар посёлкасидаги Суворов кўчасида маст ҳолда ўзаро муштлашган, жамоат жойларида ножўя сўзларни айтганлар. Ўртоқ Лисин улар билан суҳбатлашган. Эртасига эса тартибни бузувчилар шахтага олиб борилган ва ишчи-хизматчиларнинг 400 кишилик йиғилишида уларнинг ахлоқи муҳокама қилинган. Йиғилиш қатнашчилари Биктагиров ва Шамалиевнинг ахлоқини қаттиқ қоралаганлар. Улар жамоат тартибини бузмаслик тўғрисида шахта коллективига сўз берганлар. Йиғилишда тартибни бузувчиларга виговор эълон қилинган.

Тартиб сақлашда жамоатчиликнинг кенг иштирок этиши қоидани бузувчиларга қарши курашнинг умумий аҳволига ижобий таъсир этмоқда.

Жамоат тартибини муҳофаза қилувчи кўнгилли халқ дружиналари мустақил ташкилот бўлиб, уларнинг фаолиятига партия органлари раҳбарлик қилади. Милиция ходимлари дружиналарга ёрдам бериш учун барчи куч ва ғайратларини сафарбар этишлари керак. Дружиначиларни жамоат тартиблари қонунлари ва бошқа ҳужжатлар билан таништириш, уларга социалистик қонунчилик талабларини тушунтириш, жамоат тартибини бузувчиларга қарши кураш методларини амалда ўргатиш керак.

Ўтмишдан мерос бўлиб қолган сарқитларни турмушимиздан сиқиб чиқариш учун халқимизнинг ажойиб ташаббуси — дружиналарга бирлашишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

М. ШЕРАЛИЕВ,

Тошкент область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи.

„ЎРТОҚ“ КОНДИТЕР ФАБРИКАСИДА

Суратда: фабриканинг конфет тайёрлаш цехида.
М. Нуриддинов фотоси.

Урицкий кўчаси ёнидаги қизил дарвозали катта бинога яқинлашар экансиз, ажойиб бир нози-неъматнинг хушбўй ҳиди думоққа урилади. Аниқ ёнган бу ҳид кишининг ана шу ширинликни истеъмол қилишга бўлган ҳавасини оширади ва шу онинг ўзида тапшаниб қўясан, киши. Бу ерда тўйларда, меҳмон келганда ёзиладиган дастурхоннинг безаклари — турли-туман конфетлар тайёрланади.

«Ўртоқ» конфет фабрикасининг коллективи партиямиз XXI съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб ишламоқда. Бунинг натижасида ойлик планлари ошиғи билан бажарилаётир.

Фабрика коллективи техника кўрсаткичларини яхшилагани учун Тошкент Совнархози томонидан пул билан мукофотланди.

Фабрикада коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун бошланган ҳаракатга қўшилганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Бунинг натижасида смена топшириғини кун сайин ошириб адо этаётганлар сафи ҳам кўпайиб бормоқда. Конфет цехининг Мақсудова ва Дрезнова ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ўзаро мусобақалашиб, ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ҳар иккала бригадада ҳам ойлик план муддатидан илгари бажарилиш билан бирга тайёрланган маҳсулот юқори сифатга қабул қилинмоқда.

Фабрикада ҳозир 70 хилдан ортиқ кондитер маҳсулотлари тайёрланмоқда. Етти йилликнинг охири—1965 йилда конфетларнинг хили 115 тага етказилади. Бунинг учун корхонанинг бир группа инженер-техник ходимлари Тошкент медицина институтининг врачлари билан биргаликда илмий текшириш ишлари олиб бораётирлар. Ўзаро ҳамкорлик яхши натижалар бераётир. Бўқоқ касаллигига қарши йодланган карамель конфети ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги маҳсулотга «Ўқувчининг карамели» деб ном берилди. Бундан ташқари конфетларнинг ирис, «Ладога», «Красний Октябрь» каби хиллари ҳам ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга киришилди.

Корхонанинг ишчи ва инженер-техник ходимлари маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга ёрдам берадиган резервларни ишга солмоқдалар. Илгари баъзибир юқори сифатли конфетлар қўл кучи билан тайёрланар эди. Магазинларда кам топиладиган бу конфетларга талаб кўп бўлгани учун фабрикада уни кўплаб ишлаб чиқариш зарурлиги муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитетининг шу йил июнда очиладиган Пленуми арафасида фабрикада механизациялашган вафель цехи қурилиб, ишга туширилди. Цехдаги 80 процентга яқин иш механизмлар ёрдами билан бажарилади. Юқори сифатли конфетлар ишлаб чиқариш 2,5 — 3 баравар кўпаяди.

Мана вафель цехи. Кираверишда 170 — 175 градус иссиқлиқ сақловчи пресс ўрнатилган. Бу агрегатга солинган ширин хамир қуритилиб, тўрт бурчак шаклга келтирилгандан кейин, ёнидаги машинага туширилади. Сўнгра учинчи транспортерда қуритилиб, тўртинчисига ўтказилади. Бу ерда унинг атрофи шоколод билан қопланиб, кичик-кичик ҳажмда кесилади. Тайёр бўлган конфетлар айланиб турган машинага тушиб, механизм ёрдами билан қоғозларга ўралади.

Илгари қўл билан тайёрланган бу юқори сифатли кондитер маҳсулотларининг механизмлар ёрдамида ишлаб чиқарилаётгани кишини ҳайратлантиради. Фабриканинг келажаги порлоқ. Унинг коллективи ҳали айрим оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни ҳам машиналарга кўчириш йўлларини қидириб топишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Т. УНАБОЕВ.

Паркда маданият университети

Пойтахтимиздаги Киров номли маданият ва истироҳат боғида яқинда халқ маданият университети ташкил қилинди. Университет машғулотлари ойида 2—3 марта ўтказиб турилади.

Университетга қатновчиларга студентлик билети берилади. Университет тингловчилари учун «Балет санъати ва унинг тили», «Музикани қандай эшитиш ва ўрганиш керак», «Ўзбекистоннинг музика санъати», «Бадиий адабиёт жанрлари», «Горький ва социалистик реализм методи», «Совет кино санъатининг халқчил ва партиявийлиги», «Ҳамза номли театрнинг ижодий йўли» каби совет санъати ва адабиётига доир турли темаларда қизиқарли лекция-докладлар уюштирилади. Машғулотлардан сўнг санъаткорлар ижросида концерт ва бадиий фильмлар қўйиб берилади.

И. САЛОМОВ.

Янги касалхона

Ўрта Чирчиқ районининг Ўртасарой посёлкасида юз ўринли янги касалхона очилди. Касалхона собиқ Ўртасарой район партия ва совет ташкилотларига қарашли бинога жойлашган.

Касалхона ҳамма зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Унда юқори малакали врач ҳамда фельдшерлар ишламоқдалар. Район аҳолиси халқ соғлиғини сақлашга қаратилган бу тадбир учун партия ва ҳукуматдан мамнун эканлигини изҳор қилмоқда.

С. АҲМЕДОВ,
район касалхоснинг врачи.

250 мутахассис

Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми ҳар йили республикамизнинг колхоз ва совхозлари учун юзлаб малакали қишлоқ хўжалик мутахассисларн тайёрлаб беради. Техникумни тамомлаган кўпгина ёш кадрлар республикамизнинг турли область ва шаҳарларидаги колхоз-совхозларда фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Техникумни бу йил ҳам 250 йигит-қиз муваффақият билан тамомлаб, ҳаётга йўлланма олди. Бу ёш мутахассислар ишлаш учун Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Наманган ва Самарқанд ҳамда Тошкент область колхозсовхозларига жўнаб кетдилар. 20 дан ортиқ мутахассис эса Янгиерда ишлаш истагини билдирди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

Ўзбекистон курашчиларининг ғалабаси

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадионида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ҳамда Куйбишев шаҳар терма командаларининг эркин ва классик кураш бўйича ўртоқлик учрашувлари икки кун давом этди. 28 майда мусобақалар якунланди.

Эркин кураш бўйича республикамиз 1- терма командаси қирғизистонлик курашчилар устидан 6,5:1,5 ҳисоби билан ғалаба қозонди, 2- терма команда эса классик кураш бўйича Қозоғистон ССР командасини 5:2 ҳисоби билан ютди. Шунингдек, классик кураш бўйича Куйбишев шаҳар спортчилари қозоғистонлик спортчиларни 6,5:1,5 ҳисоби билан ютдилар. Эркин кураш бўйича эса Қирғизистон спортчилари қозоғистонликлардан устун келдилар. Улар ўз рақиблари устидан 6,5:1,5 ҳисоби билан ғалабага эришдилар.

А. КИМ.

Чет эллларда

А. А. ГРОМИКО ВАШИНГТОНДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ВАШИНГТОН, 29 май (ТАСС). СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико АҚШ давлат секретари Гертер, Англия ташқи ишлар министри Ллойд ва Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль билан бирга Американинг ҳарбий транспорт самолётида кеча Вашингтондан Женевага учиб кетди. АҚШ мудофаа министри Макэлрой, Женева кенгашидаги совет делегациясининг аъзоси А. А. Солдатов ва бошқа расмий шахслар ҳам шу самолётда учдилар.

ОҚ УЙДА УЧРАШУВ

ВАШИНГТОН, 28 май. (ТАСС). Бугун АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр давлат секретари К. Гертер билан бирликда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикони, Англия ташқи ишлар министри С. Ллойдни ва Франция ташқи ишлар министри Кув де Мюрвилни қабул қилди.

Учрашувдан сўнг Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари Хэгерти матбуот конференцияси чақириб, бунда, жумладан, қуйидагиларни айтди: Президент Женевада бўлаётган ҳар томонлама фикр олишув вақтида Европада олдимизда турган проблемаларни ҳал қилишнинг энг яхши йўли топилур, деб умид билдирди. Президент табиийдирки, проблемаларимизни тинчлик билан ҳал қилиш йўлини топиш зарурлигини уқтириб ўтди. У, ташқи ишлар министрлари Женевага қайтиб боргач ўз ишларида шундай даражага эриша олурларки, бу нарса ҳукуматлар бошлиқларининг таклиф этилган кенгашни ўтказишни матлуб ва фойдали қила оладиган бўлур деган умидни ҳам билдирди.

РУМИНИЯ ИШЧИ ПАРТИЯСИ ВА РУМИНИЯ ҲУКУМАТИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ПЛОЕШТИДА

БУХАРЕСТ, 28 май. (ТАСС). Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Г. Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Киву Стойка ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари 26 майда Плоешти шаҳрининг корхоналарини ва қурилишларини ҳамда унинг атрофидаги жойларни бориб кўрдилар. Улар бир қанча янги йирик кимё корхоналарини шу ерда жойлаштириш тўғрисидаги таклифларни муҳокама қилдилар, инженерлар, техниклар ва қурувчилар билан суҳбатлашдилар ҳамда Плоешти шаҳрини ривожлантириш планининг ишлаб чиқилишини тезлаштириш зарурлигини уқтириб ўтдилар.

Шаҳар аҳолиси Руминия Ишчи партияси ва Руминия ҳукумати раҳбарларини самимий табрикладилар.

АФҒОНИСТОН ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАМОҚДА

КОБИЛ, 28 май. (ТАСС). Афғонистоннинг миллий байрами — ўз мустақиллигининг 41-йилига қадам қўйганлиги муносабати билан бугун Дилкушо подшо саройида тантанали маросим бўлди. Совет Иттифоқининг Афғонистондаги элчиси, айни бир вақтда дипломатик корпуснинг дуайени М. В. Дегтярь Афғонистон подшоси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Ҳазрат Олийлари ҳузурида бўлди ва дипломатик корпус номидан, шунингдек ўз номидан Ҳазрат Олийларини Афғонистоннинг миллий байрами билан табриклади ҳамда унга сиҳат-саломатлик, унинг ҳукуматига ва дўстона афғон халқига баҳт-саодат, миллий экономикани ривожлантиришда ва Афғонистон мустақиллигини мустаҳкамлашда янада муваффақиятлар тилади.

Подшо Муҳаммад Зоҳир Шоҳ табрик учун самимий ташаккур изҳор қилиб, бу шонли воқеа мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шунингдек совет халқининг ёрдами Афғонистон мустақиллигини мустаҳкамлашда ва унинг миллий экономикасини ривожлантиришда катта роль ўйнаганлигини айтди ҳамда иккала мамлакатнинг давлат арбоблари ўртасида ўрнатилган ва ривожланиб бораётган алоқаларнинг катта аҳамиятини таъкидлади.

Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ўз ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатда тутаётган йўли Афғонистоннинг миллий манфаатларига ва бутун дунёда тинчлик ишига жавоб беради, деб уқтириб ўтди.

ЛАОС КОРОЛЬ ҲУКУМАТИ ГРАЖДАН УРУШИНИ ЯНА БОШЛАБ ЮБОРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

ХАНОЙ, 28 май (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги Вьетнамдан (Лаос) олинган хабарга асосланиб билдиради: Лаос король ҳукумати Лаосда граждан урушини яна бошлаб юборишга расмий қарор қилди.

Бу қарор Сананикон ҳукуматининг 25 майдаги фавқулодда мажлисида қабул қилинган.

Хабарда айтилишича, шу мажлисда Сананикон ҳукумати собиқ Патет-Лао отрядларига қарши курашмоқ учун куч қўлланишга ва бу отрядларни «исёнчилар» деб ҳисоблашга қарор қилган.

АМЕРИКАДА «ЮПИТЕР» РАКЕТАСИ УЧИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 май. (ТАСС). Телеграф агентликларининг муҳбирлари Канаверал бурунидан хабар беради: Бугун Канавералда «Юпитер» ракетаси учирилди. Ракетанинг тумшуқ конусида иккита кичикроқ маймун, шунингдек баъзи ўсимликларнинг намуналари бор. Ракета 300 миля юқориликка кўтарилади деб мўлжалланмоқда. Ракета шундай баландликка кўтарилганидан кейин тумшуқ конуси ундан ажралиб, ерга қайтиб тушуви ва Атлантик океандан топиб олиниши лозим.



ЕШ БАЛИҚЧИЛАР. В. Надеждин фотоэтюди.

Ёзги каникулни кўнгилли ўтказиш учун

Пискент район халқ маорифи бўлими ва район комсомол комитети мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олишларини кўнгилли ўтказиш учун бир қанча тадбирлар белгилади. Ёзги каникул даврида район колхозлари ҳамда «Пискент» совхози территориясида ташкил қилинадиган 8 та пионер лагерида 500 ўқувчи дам олади. Шунингдек 7 та соғломлаштириш майдончаларига 900 ўқувчи жалб қилинади.

Пионер лагери ва соғломлаштириш майдончаларида ўқувчиларнинг ёзги каникулни кўнгилли ўтказиб, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун кўпгина қулайликлар яратилади. Шу кунларда мактаб бош пионер вожатийлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва бадиий тўгарак раҳбарлари соғломлаштириш кампаниясига тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар.

Т. ҚОСИМОВ.

Телевизор экранида

30 МАЙДА

19.30. Кичик ёшдаги ўлкашунослар учун «Ўлкангизни ўрганинг» деган эшиттириш.
19.50. Киножурнал.
20.00. Сўнгги ахборот.
20.15. Бадиий фильм — «Кўзали қиз».
21.45. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Тошкентнинг тамоша заллари да

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 30/V да **Янгиер**, 31/V да **Алишер Навоий**, қишки бинода: 31/V да кечқурун **Макр ва муҳаббат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Майсаранинг иши**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 30/V да **Равшан ва Зулхумор**, 31/V да **Фарғона ҳиқояси**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Май юлдузлари**, кеч соат 9 да **Булутли тонг**, кеч 10-40 минутда **Қутлуғ қон**.

«ВАТАН», «ФЕСТИВАЛЬ», «УДАРНИК» — **Май юлдузлари**.

«ОКТЯБРЬ» — кеч соат 9-20 минутда **Узоқ соҳилларда**, кеч 11 да **Лауранинг қайлиғи**.

«ИСКРА» — кеч соат 7-40 минутгача **Ўтай она**, кеч 8-20 минутдан **Ўрмондан чиққан уч киши**.

КАФАНОВ номли — кеч соат 9-20 минутда **Май юлдузлари**, кеч 11 да **Лауранинг қайлиғи**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — **Ўтай она**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Май юлдузлари**, кундуз соат 4 да **Унинг даври келади**, кеч 10 да **Телба**.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1-залда **Май юлдузлари**, 2-залда **Дон Сезар де Базан**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
31 майда
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати

Галия Измайлованинг ижодий кечаси

Кечада: СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Саттор Ярашев**, солистлардан **С. Беньяминов, М. Райцин** қатнашади.

I бўлимда — **Жизель** (2-парда).

II бўлимда — **Орзу** (2-пардадан уйқу кўриниши).

III бўлимда — Шарқ халқлари рақслари, рус ва чет эл композиторларининг ариялари, романслари ва қўшиқлари.

Кечада симфоник оркестр иштирок этади. Дирижёрлар — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Н. Гольдман**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Б. Иноятов, А. Абуқаюмов**, концертмейстер — **И. Винер**, доирада — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Бараев**.

Кеча соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
30, 31 майда
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ

катта концертлари

Концертда: СССР халқ артисти **Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Фотима Борухова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Дилором Шерова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**, VI Жаҳон фестивали лауреати **Фозил Харратов**, филармония солистларидан **Тўхта Йўлдошева, Раима Ҳакимова, Маҳмуд Муҳамедов, Тоштемир Шарипов, Карим Мўминов, Ғафур Иноғомовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ
ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА
(ёзги театр)
30 ва 31 майда
Ўзбекистон халқ ҳофизи
МАЪМУРЖОН УЗОҚОВ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Гавҳархоним Раҳимова, Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Башорат Хўжаева, Тўхта Рисметова, Нина Гайер** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТЕЗ КУНДА
А. Муҳитдин асари
2 бўлимда эстрада тамошаси

Афанди шаҳар кезади

Ғ. Қодиров музикаси.
Режиссёр — **М. Асадуллаев**.

СТАЛИН НОМЛИ ТРАНСПОРТ АРТЕЛИ ПРАВЛЕНИЕСИ
Луначарский шосседан
К. Маркс кўчаси, 152-уйга

кучди

(ТашМИ рўпарасида, Куйбишев райвоенкоматининг собиқ биноси). Телефон — 31-061.

Слесарь Қосимов оиласида

Қодир Қосимов Чирчиқ электр кимё комбинатида 10 йилдан буён слесарь бўлиб ишлайди. Унинг оиласи жуда бахтиёр. Бундан 5 йил бурун оилада эгизак фарзанд туғилган эди. Шу йилнинг апрель ойи охирларида эса оилада яна қувончли воқеа юз берди. Қосимовнинг хотини уч фарзанд — 2 ўғил, бир қиз тўғди. Бундан қувонган дўстлари ва завод маъмурияти Қосимовга янги уй қуришга кўмаклашдилар, турли рўзғор буюмларини совға қилдилар. Слесарь Қосимов меҳрибон коллективдан жуда миннатдор.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

Эрон — ҳуқуқсизлик ва қашшоқлик мамлакати

Газетхонлардан С. Алимов (Тошкент), З. Холтўраев (Бекобод) Эроннинг ҳозирги аҳволи ҳақида маълумот беришни сўраганлар. Биз қуйида шу ўртоқларга жавоб қайтардик.

Яқинда Эрон шоҳи Америкада чиқадиган «Юнайтед Стэйтс ньюс энд Уордл рипорт» журналининг муҳбири билан қилган суҳбатда Жаноб олийларининг миллий муддаоси нимадан иборат» деган саволга: «Мамлакатимизни ривожлантиришдан иборат. Биз миллий ҳаққониятчилик сиёсатини юритамиз. Биз бир қатор программаларни амалга оширабошладик» деб жавоб берди.

Эрон халқида «Шарбат каби ширин сўздан гаримдорининг аччиғи озаймайди» деган мақол бор.

Шоҳнинг юқоридаги сўзлари мамлакат экономикаси ва молияси жуда оғир аҳволга тушганлиги натижасида юз берган қийинчиликни ва халқнинг азоб-уқубатини, қашшоқлигини ҳамда ҳуқуқсизлигини енгиллаштира олмайди.

Эронни ҳозирги аҳволга ким олиб келди? Уни бу аҳволга мамлакат мустақиллигини Америка долларига сотаётган шоҳ ҳукумати олиб келди.

Америка Қўшма Штатлари 1957—1959 молия йилларида Эронга 427 миллион доллар қарз берди. Шундан 350 миллион доллари американлик ҳарбий маслаҳатчиларнинг кўрсатмасига мувофиқ ҳарбий объектлар қуришга. 77 миллион доллари эса Эроннинг ҳукмрон доиралари томонидан автомашиналар, зеб-зийнат ашёлари сотиб олиш ва тантанали қабуллар уюштиришга сарфланди.

Эрон экономикаси Америка заёмлари туфайли ривожланаётгани йўқ, американликлар Эронга деб ёзмоқда Эрон газетаси бир қўллари билан пул бериб, уни иккинчи қўллари билан қайтариб олмоқдалар.

Америка нефть монополиялари раҳбарлик қилаётган халқаро нефть консорциуми Эроннинг энг бой нефть манбаларини эксплуатация қилиши натижасида йилига 120—150 миллион доллар соф фойда олаётир. Бинобарин олинаётган фойдаларнинг миқдори йил сайин ошиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда чет эл компанияси ва фирмаларининг 1084 вакиллиги: шу жумладан Англияга қарашли 285, Америкага қарашли 220, Францияга қарашли 160, Ғарбий Германияга қарашли 150 ва бошқа мамлакатларга қарашли важилликлар ҳам бор.

Эроннинг кўпчилик министрликлари ва бошқармаларида американлик маслаҳатчилар бўлиб, уларни сақлаб туришга жуда катта миқдорда пул сарфланмоқда. Бу маслаҳатчиларнинг ҳаммасига катта ҳуқуқлар берилган.

Ана шу фирмалар ва чет эллик маслаҳатчилар ўз олдиларига Эрондан имкони борича кўп фойда олиш, мамлакатни ўз молларини келтириб сотадиган бозорга айлантириш ва Эрон Миллий саноатининг ривожланишига йўл қўймасликни мақсад қилиб қўйганлар. Бундан ташқари бу фирмалар ўз хўжайинларининг буйруғини бажариб, Эронни империалистик давлатларнинг қуролига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Эрон саноати кучсиз, шунинг учун улар чет эл монополияларн билан конкуренция қила олмайди. Натижада Эрон моллари сотилмай қолиб, корхоналар ёпилмоқда, ишсизлик ошмоқда ва меҳнаткашларнинг эксплуатация қилиниши ғоят кучаймоқда. Эрон саноатчилари чет эл фирмаларининг конкуренциясига бардош беришга уруниб, ишчиларнинг кам миқдордаги иш ҳақини янада камайтирмоқдалар.

Абадан нефтчиларининг ўртача ойлик иш ҳақи 1400 риал (75 сўм)дир. Саноатнинг бошқа соҳаларидаги ишчилар эса янада камроқ ҳақ олиб, кунига 10—12 соатдан ишламоқдалар.

Яқинда Эрон бош министри Ихбол Абадонда бўлиб, нефтчиларнинг турмуш шароити жуда ночор эканлигини эътироф этишга мажбур бўлди.

Нефтдан олинаётган фойда бюджет дефицитини қоплашга кетаётир. Бу йил ана шу дефицитни қоплаш мақсадида айрим солиқларнинг, шунингдек хизматчиларнинг иш ҳақидан олинаётган солиқларнинг миқдори ҳам оширилаётир. Товарларнинг баҳоси эса ўтган молия йилида яна 30 процент оширилди.

Депутат Жаҳоншоҳи 15 мартда мажлисда сўзга чиқиб, «Теҳронда хизматчилар олаётган иш ҳақининг 50 проценти уй ҳақини тўлашга кетаётир» деди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига қараганда экин экишга яроқли барча ернинг 94 проценти эронлик йирик заминдорлар қўлидадир. Деҳқонларнинг 68 проценти ерсиз, 22 проценти эса ернинг камлигидан азоб тортмоқда.

Эрон қишлоқларидаги ҳаётнинг аянчли манзараси Широзданги 50 қишлоқни текшириб чиқиш натижасида олинган расмий маълумотларда акс эттирилган. Бу қишлоқлар аҳолисининг 94 проценти саводсиз. Фақат 4 қишлоқда бошланғич мактаб бор. Биронта ҳам қишлоқда врач фельдшер ёки акушерка йўқ. Аҳоли ҳатто совуннинг нималигини ҳам билмайди. Ҳар бир оиланинг йиллик даромади 8 минг риалга тўғри келиб, бу киши бошига 80 сўмдан кўпроқни ташкил этади.

Яқиндагина чётга галла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқариб келган Эрон эндиликда АҚШ дан олма ва апельсин, Италиядан асал ташиб келтирмоқда. Машиналар йўқлиги ва агротехника қолоқлиги туфайли Эронда қишлоқ хўжалик экинларидан жуда кам ҳосил олинмоқда.

Ўртоқ Хрушчев Москва шаҳар Калинин сайлов округи сайловчилари олдида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Эрон халқи қадимий маданиятга эга бўлган қадимий халқдир ва у ўзига қаердан хавф-хатар солинаётганлигини, Совет Иттифоқи хавф-хатар солаяптими ёки ўз давлатининг ичида хавф-хатар борми—буни тушунади. Бу ҳақда эронликларга гапириб ўтирмаймиз, уларнинг ўзлари доно одамлар ва бу масаланинг тагига ўзлари яхши етиб оладилар».

Биз аминмизки, эрон халқи кимнинг айби билан қашшоқлашаётганлиги ва оғир азоб-уқубатлар чекаётганлигини тўғри тушуниб, бундан зарур хулосалар чиқариб олади. Чунки эрон халқи Совет Иттифоқи Эрон билан яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш максадида барча зарур чораларни кўрганлигини яхши билади. Бироқ Эрон ҳукмдорлари ўзаро муносабатлар принципига риоя этишни хоҳламаётирлар. Улар Бағдод пактида (ҳозирги Анқара пакти) қўшилиб, шу йилнинг 5 мартида АҚШ билан тузилган ҳарбий битимни имзоладилар. Натижада Эрон Вашингтоннинг янада кучлироқ контроллиги остига ўтмоқда

Эрон кўп миллатли давлат. Эронда яшовчи кам сонли миллатлар ўзларининг маданий муассасаларига эга бўлишни ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имконияти берилишини хоҳлайдилар. Аммо реакцион ҳукумат, Эроннинг раҳбар доиралари миллий масалани демократик асосда ҳал қилиш ўрнига, форс халқи ўртасида шовинизм кайфиятини кучайтирмоқдалар.

Шоҳ династияси билан Эрон халқининг кўпчилиги ўртасида жуда катта ажралиш бор. Шоҳ ўз тахтининг тақдиридан хавфланмоқда ва унда Америка найзасининг ёрдами билан узоқроқ муддат ўтиришга ҳаракат қилмоқда. Маълумки, найзада ўтириб бўлмайди. Шоҳнинг ҳокимият тепасида қолиш йўлида шу зайлда қилаётган ҳаракати империалистик ҳукмронликка қарши чиқаётган эрон халқининг қаршилигига дуч келмоқда. Эронда Америкага қарши кайфият тобора кучаяётир.

Эронлаги ҳозирги тузумга фақат меҳнаткашларгина эмас, балки аҳолининг бошқа кўпгина катламлари ҳам қарши чиқмоқдалар. Ҳатто фабрикантлар ҳам ўзларининг жиддий норозиликларини баён этмоқдалар. Улар пора олмасдан бирон ишни битказмовчи шоҳнинг бюрократлашган давлат аппаратидан норозидир. Чет эл монополияларининг мамлакатдаги зўравонлиги миллий буржуазиянинг манфаатларига жиддий зарар етказаётир.

Е. БЛОК.

Полиграф тупик, 43- а уйда турувчи **Степан Данилович Савчукнинг** Ново-Учительская кўча, 1-уйда турувчи Майя Сергеевна Белоноговадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район, 4- участка халқ судида кўрилади.

Жарариқ кўча, Қўрғонтёпа проезд, 69-уйда турувчи **Хаби Акрамовнинг** Чархновда кўча, 8- уйда турувчи Шукура Низомовна Алимхўжаева (Акрамова)дан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 6- участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140. Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040.135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048. 132. Секретариат — 29040. 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р 05172. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1602.